



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик гоёси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 5-dekabr, shanba ★ № 44 (1208)

## ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИК ШАРАФМИ?



Кейинги 5-10 йилнинг ичида уяли алоқадан фойдаланувчилар сони кескин ортиб кетди. Ачинарлиси, наинки ёшлар, балки катталар ҳам интернет тизими орқали ижтимоий тармоқларда тарқатилган турли хил хабарларни кўриш билан чекланиб қолмоқда. Китоб, газета ўқишга эса қизиқиш пасайди. Хўш, нега шундай бўляпти?

⇒ 3-бет

## “ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР” “ЎТКАН КУНЛАР”НИНГ ДАВОМИМИ?



Тоғай Муроднинг мазкур романи халқимизнинг ўз-ўзини танишида, мустақиллик ва истиқлол аталмиш неъматнинг қадрига етиши ва уни асраб-авайлаш йўлидаги курашида беқийс ва ўзига хос роль ўйнаши шубҳасиздир. Зеро, ёзувчининг ўзи айтмоқчи: “Кўнглимда эл-юртим йўлида нимаки дардим бор — барини ушбу романда тўкиб солдим”.

⇒ 7-бет



## ИЛМ. АМАЛ. ИХЛОС

Аслида Абдуллажон Улугов сизу биз ҳақимизда, одам ва олам, маърифат ва жаҳолат, иймон ва хиёнат, давр ва жамият хусусидаги ўз ҳақиқатларини айтади. “Михаил Бахтин сингари донишмандларнинг китоблари, биринчидан, мавжуд ҳодисаларнинг янги жиҳатларини кўрсатиб, улар тўғрисидаги тасаввур, тушунчани тейранлаштиради.

⇒ 8-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар!  
Хурматли меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Бугун барчамиз том маънода тарихий ва унутилмас бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун Ўзбекистонда йирик замонавий sanoat корхонаси — Тошкент металлургия заводи ишга туширилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шундай улкан ишлаб чиқариш мажмуаси бунёд этилгани билан барчангизни чин қалбимдан табриқлайман.

Бугунги маросимда бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли хорижий ҳамкорларимиз — Россия Федерацияси sanoat ва savdo вазирлиги Денис Валентинович Мантуров, “Метпром” компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Сергеевич Лазуткин, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Владимир Львович Тюренев, Италия Республикасининг “Даниели” компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески жанобларига ва барча меҳмонларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар!  
Сизларга маълумки, биз бундан уч йил аввал — 2017 йилнинг февраль ойида яхши ниятлар билан ушбу корхонанинг тамал тошини қўйган эдик. Утган қисқа даврда барча қийинчиликларга, жумладан, коронавирус пандемиясига қарамастан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва тажрибаси, маҳорати ва меҳнати эвазига мана шу улкан завод қад ростлади. Бу йирик мажмуани бунёд этиш учун 420 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Фурсатдан фойдаланиб, корхона бунёд этишда фаол иштирок этган моҳир лойиҳачи ва қувувчиларга, қўли гул ишчи ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва барча мутасаддиларга, хорижий ҳамкорларимизга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли юртдошлар!  
Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган кенг миқёсли ишловлар олиб борилмоқда.

Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий sanoat, қўлай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводи ишга туширилиши бу борадаги саяё-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир.

Ҳаммангиз биласиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг заиф нуқталаридан бири — бизда қора металлургия sanoatининг етарли даражада ривожланмагани билан боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ҳар кун, ҳар соатда, ҳар дақиқада тинимсиз ишланялар, саяё-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўқки, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ишловлар қириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса.

Кейинги тўрт йилда янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, sanoatга юқори технологияларни жорий этиш, қўлай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Буни коронавирус пандемиясига қарамай, мамлакатимиз худудларида барпо этилаётган йирик лойиҳалар, улкан sanoat қувватлари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

4 декабрь — мамлакатимиз тарихига яна бир йирик sanoat корхонаси ишга туширилган кун сифатида муҳрланган бўлди. Пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманида Тошкент металлургия заводи фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу мажмуа очилишини тарихий воқеа, деб атади.

2017 йил февралда ушбу заводнинг қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Президентимиз 2018 йил августда ера келиб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Турли син ва қийинчиликларга қарамастан, минглаб фидойи инсонларнинг билим ва меҳнати эвазига улкан корхона қад ростлади.



## МУНОСАБАТ

## ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИЖОДКОРЛАР

Уммондек бепоён ижодий муҳитда хаёфу хатардан холи кемадек узокларни кўзлаб йўлга чиққан ўзбек адабиёти муборак манзилларни босиб ўтмоқда. Мамлакатимизда адабиётга бўлган алоҳида эътиборнинг самараси ўлароқ, маънавий ҳаётимизда туб бурилишлар ҳосил бўлмоқда. Айниқса, охириги уч йилда Президентимиз раҳнамолигида адабиёт равнақи учун яратилган имкониятлар ижодкорларимиз тақдирини алоҳида из қолдирди, деб ўйлайман.

Адабиётнинг равнақи, келажаги йўлида қилинган яна бир хайрли иш — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўз биносига эга бўлди. Бугунги кунда оппоқ марвариддек товланган бу бинода кўплаб адабий-бадий учрашувлар ўтказилмоқда. Ёшларнинг билимли, зукко бўлиб вояга етиши йўлида барпо этилган атоқли шоир-адибларимиз номидаги ижод мактаблари эса таълимда янгилаш сифатида баҳоланмоқда. Назаримда, бу эътирофлар мутлақо табиий. Негаки бундай таълим муассасасининг бошқа юртларда муқобили йўқ.

Бугун пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказидаги энг гўзал масканлардан бири Адиблар хибонидир. Шу йилнинг 20 май кунда мазкур хибонга таширф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Адабиёт — халқнинг юрағидир” дея таъкидлаган эдилар. Одамзоднинг муносиб ҳаёт кечирishiга, маънавий олами бойишига куруқ насихат билангина эришиб бўлмайди. Инсонда юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда адабиётнинг ўрни бўлак эканлигини ортиқча таъкидлашга ҳожат ҳам йўқ. Ёшларга йўл-йўриғу насихатини бадийий сўз орқалигина жо қилиш мумкин.

Адабий ҳаётимиз яна янгиликлар билан бойийдиган бўлди. Яқинда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбекининг уч буюк ижодкори Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимов, Ботир Зокировларнинг юбилей саналарини нишонлаш тўғрисидаги бир йўла учта қарорга имзо чекди. Бу қарорларнинг ҳар бири маънавият, маърифат деб аталмиш муборак дарахтнинг томирларига жон бахш ато этиб тургандай гўё. Чунки биз ўзбек адабиётини Абдулла Орипов ёки Уткир Ҳошимовсиз тасаввур этолмаймиз. Ёки ўзбек эстрада санъатининг зилол ва тиник бўлгои бошида Ботир Зокиров турганлигини инкор этолмаймиз. Шу боис бўлса керак биз ижод аҳли бу қарорларни мамнуният билан қарши олдик.

Мамнуниятимиз яна бир сабаби шулки, ўзбек адабиётида чуқур из қолдирган бу адибларимизнинг ҳаёти ва ижодини халқимиз яна бир ёдга олади. Сўзимнинг муболагаси йўқ, юртдошларимизнинг ҳонадонларидаги жавонлардан ўрин олган сеvimли адибларимизнинг китоблари кўзга ташланарли жойдан ўрин топган. Бу китобларни тез-тез кўлга олиб, мутолаа қилишди. Қалбимиздан мустаҳкам жой олган, юрагимизнинг нозик торларини чертиб ўтган ўтли сатрлар яна бизни оҳанрабодек торта бошлайди.

## ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ “HURRIYAT” МЕҲМОНИ

## “ОЙНАИ ЖАҲОН”ДА ХОРАЗМ



Хоразм диёри ўзига хос маданияти, илм-маърифати, урф-одатлари билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Бу воҳанинг ҳар жабҳасида хоразмча руҳ бор, хоразмча сир синоват бор. Жумладан, Хоразм вилоят телевидениесига ҳам.

Хоразм телевидениесига воҳанинг олиму зиёлилари, шоиру фузалолари билан бир сафда оддий ва жумард хоразмликлар ҳақида тайёрланган курсатув ва телекиссаларга кўзингиз ташади. Иқлим кескин континентал бўлган Хоразм тупроғида афсоналар яратилган халқ бизни қайта-қайта ҳайратга чулғайверади. Бугунги суҳбатларимиз эса бир-биридан завқли ва мароқли кечди. Суҳбатдошларимиз Хоразм вилояти телерадиокомпанияси директори Уткир МАТҚУРБОНОВ ва бир гуруҳ жонқуяр тележурналистлари эди. Улар билан бўлган қайноқ суҳбатларимизни сиз азиз газетхонларга ҳам илдиндик.

—Хоразмнинг ҳар зарраси тарих. Ушбу тарихинг барча қирраларини ёритишда маҳаллий матбуот ва телевидение-нинг ўрни бекаму кўст. Келине, суҳбатимизни Хоразм телевидениесининг тарихидан бошлашасан...

—Тўғри айтасиз, ҳар қандай минтақани, унинг турмуш тарзига, шодлику қувончларини одамларга, халққа қўрсатиб берадиган восита, асосан, телевидение, радио ва матбуотдир. Умуман, Ўзбекистонда

биринчи телевидение 1956 йил ноябрь ойида Тошкентда вужудга келган. У шунингдек, Марказий Осиёда ҳам дастлабки телевидение эди. Орадан кўп ўтмай бизнинг Хоразм вилоятида ҳам телевидение ташкил қилинди.

Эътибор берсангиз, кўплаб вилоятларда телевидение мустақилликдан кейин пайдо бўлган. Мустақилликка қача фақат марказий телевидение, Қорақалпоғистон ва Хоразм телевидениелари

фаолият кўрсатган, холос.

2021 йил Хоразм телерадиокомпанияси ташкил топганига 60 йил ўтди. Хоразмда телевидение ташкил қилиниши машҳур раис Богот туманидаги собиқ Нариманов номи жамоа хўжалигининг раҳбари, ташкилотчи, ташаббускор инсон Исқандар Дўсов номи билан боғлиқ. У киши Россиядаги сиҳат-гоҳлардан бирида собиқ СССР Алоқа вазирли билан учрашиб қолади.

## ОБУНА - 2021


## Мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман?



Баҳодир МАТЛЮБОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлиги академияси  
бошлиғи, генерал-лейтенант.

Севимли газетамизнинг ўз ўқувчилари бор. Шулардан бири сифатида ҳар сонини синчиқлаб кузатиб бораман.  
Мен ҳуқуқ-тартибот тизимида, яъни ички ишлар органларида ишлаётганим учун ҳам газетамда чоп этилаётган мақолаларни таҳлилий мушоҳада қиламан. Шунингдек, “Hurriyat” газетаси саҳифаларида ҳуқуқий йўналишларда баҳсли материаллар бериб борилса яхши бўларди.  
Менинг тақлимим: кластер инфратузилмасини ҳуқуқий таълимда жорий қилсак, айна мудоао бўлади. Бу соҳада: замон талабларига мослашиб, Ватанга садоқат тамойилларини буюк алломаларимизнинг бой меросини ўзлаштириш орқали эгаллаш, ҳуқуқий таълимни изчил ўрганиш орқали Ўзбекистонни барпо этишдаги сарҳил материалларни газетамда чоп этиш лозим. Бунда инновацион ишланмаларни жорий қилиш, “Йўл харитаси”ни оқилона тузишга асосланган ҳолда ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштириш, халқроқ рейтингларда қатнашиш назарда тутилиши ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.  
“Hurriyat” газетасининг ўзига хослиги — бу айрим мунозарали материалларнинг чоп этилиши миллий тараққиётимизнинг равнақ топишига кўмаклашмоқда, дейишга ҳақлимиз.

Қадрли юртдошлар, 2021 йил учун обуна даром этмоқда. “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АҚ ҳамда соҳага дахлдор корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.



## ШУНДАЙ ДЕДИ



Содиқ САҒОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати раисининг биринчи ўринбосари:

Сўзсиз, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, ОАВ бугунги кунда халқ овози, тўртинчи ҳокимиятга айлиб бормоқда. Ҳали улкан чўққиларга етганимиз йўқ, лекин биринчи силжишларни инкор қилиш мумкин эмас. Бу, албатта, муҳим.  
Биринчи навбатда шуну тушунишимиз керакки, ҳуқуқат, парламент, фуқаролик жамияти сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, ОАВ ҳуқуқ ва имтиёзларини қафолатлашни ўзининг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши керак.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Қайси соҳани олманг, кўп йиллардан буён бу масала биз учун жиддий муаммо бўлиб келаётган эди.

Янги завод энг аввало миллий иқтисодий тармоқнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Улар илгари республикамизга асосан четдан олиб келинарди.

Ушбу корхонада йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотлар қурилиш материаллари ёки металл конструкциялар бўлади, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат sanoati бўлади – юзлаб корхоналаримизнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради.

Мажмуа ишга туширилиши билан кимё sanoati корхоналари ва рангли металл ишлаб чиқарувчилар ўртасида яқин кооперация алоқалари йўлга қўйилади. Келажакда ушбу завод маҳаллий автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади. Шунингдек, бу завод керамик, ҳозирнинг ўзидаёқ завод маҳсулотларига ўнлаб корхоналардан буюртмалар келиб туюмоқда.

Тошкент металлургия заводи мамлакатимиз янги ички маҳсулотига саломатлик ҳисса қўшади. Мухтасар айтганда, янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, sanoatимиз локомотивларидан бирига айланади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

**Биринчидан**, талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжирини шаклланди.

Корхона фаолиятининг биринчи босқичида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежаллади.

Маҳаллий корхоналаримиз аввал хоржидан олиб келинган хомашё ўрнига эндиликда заводда тайёрланган металлургия маҳсулотларини ҳисобига маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли равишда ошади. Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархидан республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳавони тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда – 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Яъни, sanoat кооперациясининг кенгайиши ва маҳаллий хомашё негизига ҳудудларда юзлаб янги рақобатбардор sanoat корхоналарининг барпо этилиши учун шарт-шароитлар яратилди.

Шу асосда турдош тармоқлар билан бирга 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бу эса қанчалар-қанча ёшларимиз учун янги иш жойлари, даромад ва оилавий фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилишини, ўйламанки, тушуниш қийин эмас.

Шунингдек, корхона томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот четга экспорт қилинади.

**Иккинчидан**, металлургия соҳасида ишлаб чиқариш кластерини барпо этишга шароит яратилди.

Биринчи босқичда хомашё Россиядан олиб келинади. Тез орада янги корхона Бекобод металлургия заводи билан яқин ҳамкорликда фаолият юрताди. Ҳозирги пайтда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуасини барпо этиш бошланди ва унинг маҳсулоти ушбу завод учун хомашё бўлиб хизмат қилади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади – яқин йилларда яхлит “нолдан тайёр маҳсулотгача” бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат. Шунинг учун биз юртимиздаги

2 миллиард тонна қора металл захирасига эга Тебинбулоқ ва бошқа конларда етакчи хоржий компаниялар билан геологик қидирувлар ўтказдик ва бу борада техник иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

**Учинчидан**, техник ва технологик таъминлини жиҳатидан ушбу завод халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради.

Бу ерда дунёнинг 27 та мамлакати, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг турт погонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

**Тўртинчидан**, завод экологик талабларга жавоб берадиган, таъбир жоиз бўлса, “энг яшил” корхоналардан бири экани биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхона чиқиндиларни қисқартириб, қатъий экологик меъёрларга амал қиладиган, чиқинди газларни ўшлаб қоладиган, оқова сувларни тозалайдиган ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Хурматли маросим қатнашчилари! Маълумки, ушбу корхона Тошкент шаҳри тарихида яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаяпти.

**Янги ҳаёт тумани янги Ўзбекистонни ривожлантиришга комплекс ёндашувнинг намунаси, десак, тўғри бўлади.** Мазкур ҳудудда бир вақтинчи ўзида шинам турар жойлар, замонавий sanoat қувватлари, янги транспорт инфратузилмаси, жумладан, ерусти метроси ва йўл ўтказгичлар, ижтимоий объектлар қурилиши жадал олиб боришмоқда.

Ўрбаназация, аҳоли учун қўлай бўлган сифатли шаҳар муҳитини яратишга оид бундай замонавий ёндашуви биз бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг жорий этмоқдамиз. Хусусан, яқин келажакда Наманган, Андижон, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларимизда ҳам айтиш шундай ҳудудлар барпо этишни режалаштирганмиз.

Буларнинг барчаси фуқаролик ва sanoat қурилишининг жадал ривожланиши учун қўлай шароит яратади, янги завод маҳсулотларига ҳам, турдош тармоқлар маҳсулотларига ҳам барқарор талабни вужудга келтиради.

Азиз дўстлар! Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ушбу мажмуани бунёд этишда Ўзбекистондаги кўплаб қурилиш корхоналарининг мингга яқин муҳандис ва ишчилари иштирок этдилар. Завод қурилиши улар учун янги тажриба майдонига, маҳорат мактабига айланади.

Корхонада муҳандислар, лойиҳачилар, металлургия ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётганини айниқса муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг аксарияти ривожланган давлатлардаги тармоқ корхоналарида малака ошириб келган йигит-қизлардир.

Мана шундай навқирон ёшларимизнинг энг юқори халқаро стандартлар даражасида ишлашга қодир экани барчамизни қувонтиради. Келажакда уларнинг билим ва салоҳияти юзлаб янги замонавий корхоналар учун мустақкам пойдевор бўлади, деб ишонамиз.

Хурматли дўстлар! Ушбу янги қудратли корхона Ўзбекистон – Россия стратегик шериклиги мустақкамлини бораётганининг яна бир ёрқин тимсолидир.

Кейинги тўрт йилда Россия Президентини Владимир Владимирович Путин билан самарали мулоқотларимиз, сиёсий иродамиз ва ўзаро қўллаб-қувватлашимиз натижасида икки томонлама муносабатларда улкан ютуқларга эришилганини мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиман.

Биз савдо-иқтисодий ва сармоявий

соҳалардаги ҳамкорликни, Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни юксак даражада олиб чиқишга муваффақ бўлдик.

Мазкур даврда икки томонлама савдо ҳамжи ҳамда Россиядан иқтисодий-иқтисодий киритилган инвестициялар миқдори икки баробар ортиб, мингдан зиёд янги корхоналар ташкил этилди.

Биз ҳозиргина Россия Федерацияси sanoat ва савдо вазири Денис Валентинович Мантуров билан ўтказган учрашувида мана шундай лойиҳаларни амалга оширишни ҳар томонлама муҳаққа қилиб олдик ва келгусидаги ҳамкорлик режаларимизни кўриб чиқдик. Бу ўринда иқтисодийнинг турли тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар портфели ҳақида сўз бормоқда.

Хусусан, яқин келажакда Тошкент металлургия заводи каби ўнлаб йирик ва инновацион корхоналарни ишга тушириш мақсадида бугун Ўзбекистон ва Россия корхоналари ўртасидаги sanoat кооперацияси бўйича янги узок муддатли дастур устида иш олиб боряёмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муҳим лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этган Россиянинг етакчи корхона, компания ва банкларига, бошқа хоржий шерикларимизга миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистон ва Россия шериклигини биз учун устувор бўлган таълим соҳасида ҳам мустақкамлашга катта эътибор бермоқдамиз. Чунки, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илм-фанга асосланган технологияларни жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, янги авлод кадрларини шакллантиришни тақозо этади.

Шу мақсадда кейинги уч йилда Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 8 та янги филиали ташкил этилди. Жумладан, металлургия тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган “Москва пўлат ва қотишмадан институти” Россия миллий технология тадқиқотлар университети филиали очилди.

Шу ўринда заводнинг технологик жиҳозлашда Италиянинг етакчи “Даниели” компанияси биз билан ҳамкорлик қилганини мамнуният билан таъкидлайман. Бугун биз Ўзбекистон — Италия муносабатларининг истиқболлари устида ишламоқдамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатларимизнинг юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ёрқин мисол бўлади, деб ишонаман.

Бундай ноёб лойиҳа Ўзбекистон, Россия, Италия, Туркия ва бошқа мамлакатлар компаниялари, лойиҳа институтлари ва банклари ўртасидаги халқаро кооперация ва ўзаро муносиқлаштирилган фаолият тўғрисида амалга оширилди. Уни мўлажирлаштиришда “Россиамбанк”, ЭКСАР сугурта агентлиги, Ўзбекистон томонидан Эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Асакабанк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” иштирок этди.

Бу ишларда бугунги маросимимизда қатнашаётган хурматли хоржий ҳамкорларимизнинг шахсий иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Хурматли меҳмонлар!

**Бугун ишга туширилган Тошкент металлургия заводи, ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистон тарихининг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.**

Ишончли қомилки, ушбу корхонанинг кўп миллатли навқирон меҳнат жамоаси Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, дунё миқёсида рақобатбардор мамлакатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Бугунги қувончли воқеа муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФАСИ

1 Шавкат Мирзиёев бунга ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчиларга, хоржий ҳамкорларга ташаккур изҳор этди.

– Биз инновацион иқтисодийни шакллантириш, замонавий sanoat, қўлай сармоявий муҳитни яратиш, хоржий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намунасидир, – деди Президент.

Ушбу завод техник ва технологик таъминлини жиҳатидан халқаро миқёсдаги энг йирик мажмуалар қаторига киради. Бу ерда 27 та мамлакат, жумладан, Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Хусусан, корхонада ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва назорат қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг турт погонали тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари янги мажмуанинг иқтисодий самарадорлигига тўхталиб ўтди. Юртимизда қора металлургия ривожлангани сабабли sanoat корхоналари кўп муаммога учраб эди. Энди Тошкент металлургия заводида йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Бу қурилиш материаллари, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат sanoatига юзлаб корхоналарнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради. Илгари бундай маҳсулотлар асосан четдан олиб келинарди.

Келажакда ушбу завод автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари эҳтиёжини ҳам қоплашга хизмат қилади.

Мазкур мажмуада биринчи босқичда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежаллади. Маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли ошади.

Мисол учун, сэндвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача етади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳаво тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг натижасида маҳсулотларнинг нархи арзонлашади. Шунингдек, завод томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Мажмуада 700 га яқин киши ишлайди. Лекин, турдош тармоқлар билан бирга ҳисоблаганда, 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин.

Завод экологик талабларга жавоб берадиган, “энг яшил” корхоналардан бири экани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илк бор атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган sanoat ишлаб чиқариш технологияси ушбу заводда ташкил этилган.

Бу завод дунёдаги илгор корхоналар сингари маҳсулотлари сифати ва ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у борозиди мавжуд энг сўнгги 4.10 технологиясидан фойдаланилган ҳолда, ўзидан чиқиндиларни умуман чиқармайдиган, тўлиқ автоматлаштирилган, интеллектуал завод эканини таъкидлаш лозим.

Бугун дунёда бундай технологик жиҳатдан ривожланган заводлар техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантиради. Шунингдек, дунёдаги энг ривожланган корхоналар қаторида янги маданиятни яратиш, ўзбек металлургияси ва технология ҳамжамиятининг нуфузини оширади.

Тез орада янги корхона Бекободдаги металлургия комбинати билан яқин ҳамкорликда фаолият юрताди. Бугунги кунда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда – 1 миллион тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуаси барпо этиляпти. Унинг маҳсулотлари Тошкент металлургия заводи учун хомашё бўлади. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради.

– Ҳаракатларимизнинг асосий мақсади яқин йилларда яхлит, “нолдан тайёр маҳсулотгача” бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат, – деди Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида.

Давлатимиз раҳбари завод Тошкентда яқинда ташкил этилган Янги ҳаёт туманида иш бошлаётганига эътибор қаратди. Корхонада муҳандис, лойиҳачи, металлургия ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланаётгани, бу эса келажакда бошқа замонавий корхоналар учун мустақкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

– Эсларингизда бўлса, биз коронавирус пандемиясидан қўчи, қудратли бўлиб чиқамиз, деб мақсад қўйган эдик. Бугун бу мураккаб йил якунига етаётганда айтишимиз мумкинки, барча саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижасини беряпти. Кўряпсизлар, дунёда нима бўляптию, Ўзбекистонда нима бўляпти. Худо хоҳлса, шу ойнанг охирида метрополитеннинг Сергели йўналишини ҳам очамиз. Илоҳим, мана шундай яхши кунларимиз кўп бўлсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент металлургия заводи – замонавий ахборот технологиялари ва металлургия соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни муважжам этган ноёб корхонадир. Бу ерда маҳсулот сифати халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки сифат назорати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ва заводнинг ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган марказий лабораториясида амалга оширилади. Ушбу лабораторияда барча ишлаб чиқариш жараёнлари ва стандартлари мунтазам текшириб борилади, металл прокат ва маҳсулотларнинг хоссалари баҳоланади, олиб келинаётган хомашё ва материалларнинг

технологик сифати кириш назоратидан ўтказилади.

Корхонада дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири – Италиянинг “Даниели” компанияси ускуналари ўрнатилган. Бош лойиҳачи ва пудратчи – Россиянинг металлургия соҳасидаги энг йирик инжиниринг компанияларидан бўлган “Метпром” компаниялар гуруҳидир.

Тадбирда Россия Федерацияси sanoat ва савдо вазири Денис Мантуров икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни, йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

– Сизларни ушбу ажойиб воқеа, замонавий sanoat корхонасининг очилиши билан табриклаймиз. Мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида муҳим лойиҳа ишга туширилди. Лойиҳани амалга оширишда ўттиздан ортқ корхоналаримиз, минг нафардан зиёд турли йўналишдаги юксак малакали мутахассислар жалб қилинди. Биз бундан буён ҳам Ўзбекистонда кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва қўшма кооперацияни ривожлантиришда иштирок этишга тайёрмиз. Фурсатдан фойдаланиб, келаси йил апрелда Тошкентда “Иннопром” халқаро инвестиция ва sanoat кўргазмаси ўтказилишини айтмоқчиман. Унда Россия ва Ўзбекистон корхоналари, шунингдек, мамлакатингиз sanoatини ривожлантиришда манфаатдор хоржий компаниялар иштирок этиши мумкин. Ушбу кўргазма янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилишига ишонаман, – деди Д.Мантуров.

– “Метпром” компаниялар гуруҳи сўнгги беш йилда 50 дан ортқ йирик металлургия корхоналари қурилишида иштирок этди. Тошкент металлургия заводи Марказий Осиёдаги энг замонавий ва илгор завод ҳисобланади. Бундай корхонани қуришни бизга топширган учун Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматига миннатдорлик билдирамиз, – деди “Метпром” компанияси директорлар кенгаши раиси Станислав Лазуткин.

– Ушбу лойиҳа Ўзбекистон металлургия тармоғи учун жуда зарур. Лойиҳа қисқа муддатда амалга оширилди, афсуски, қурилиш-монтаж ишларининг авж палласи пандемия даврига тўғри келди. Биз коронавирус таъсири минимал бўлиб, лойиҳанинг муддати ва нарҳига таъсир қилмаслигини таъминлашда ҳар қандай ёрдамчи аямгангиз учун миннатдорлик билдирамиз. Ишончли шерикларимиз бундай қўламли лойиҳани амалга ошириш имконсиз. Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон sanoatига улкан ўзгаришлар юз берди, бу бизни қувонтиради. Тошкент металлургия заводи мамлакатнинг ривожланиб бораётган иқтисодий таъминотида муносиб ўрин эгаллайди.

– Бугун биз Ўзбекистон учун муҳим стратегик лойиҳанинг биринчи босқичини якунладик. Бу улкан янгилашлар кетаётган бугунги шароитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгилаб олинган мақсадларга тўла мисо келади. Ушбу лойиҳа ва Биз Бекободда амалга ошираётган иккинчи босқич – қуюв-прокат мажмуаси орқали Ўзбекистондаги фаолиятимизни кенгайтирамиз, юртингизнинг технологик имкониятларини юксалтирамиз. Ривожланиш, иш ўринлари яратиш ва савдо-иқтисодий алоқалар нукта-назаридан фойда келтирадиган мамлакатингизни импорт қилувидан экспорт қилувчи давлатга айлантирамиз, – деди Италиянинг “Даниели” компанияси бош директори Даниели Жакомо Марески.

– Бугун Янги ҳаёт тумани тарихидаги энг қувончли воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятли завод туманимизда барпо этилгани бизни чексиз қувонтирди, – деди меҳнат фахрийси Искандар Ҳайитов. – Бу ерда завод учун зарур инфраструктура, уй-жойлар, боғчалар, мактаблар, маиший хизмат объектлари қурилди. Бошқача айтганда, ҳаётдан рози бўлиб яшаш, ишлаш учун ҳамма қўлайликлар яратилди. Кўплар шу корхонага ишга жойлашди. Бундан туманимиз аҳолиси жуда хурсанд.

– Москвада ўқиб юрганымда Тошкент металлургия заводи қурилиши ҳақида эшитгандим. Уқини тугатгандан сўнг биринчилар қатори шу ерга ишга жойлашдим, – деди корхонанинг ёш оператори Жасур Азимов. – Биз технологик жараённи бошқариш учун Россиянинг кўза кўринган металлургия комбинатларида малака оширдик. Энди урганганларимни ушбу заводдаги иш фаолиятимда қўллаймиз.

Шундан сўнг Тошкент металлургия заводи фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводидаги технологик жараён билан танишди.

Ушбу корхона техник ва технологик жиҳатдан халқаро миқёсдаги йирик мажмуалар қаторига киради.

Мажмуа мутахассисларини ишлаб чиқарувчилар билан йўлга қўйиладиган кооперация алоқалари ҳақида маълумот берди. Завод маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб корхоналардан буюртмалар тушаётгани айтилди.

– Металл муаммо бўлгани учун sanoatда занжир йўқ эди. Бу завод ишга тушиши билан талаб юқори бўлган металлургия маҳсулотини ишлаб чиқариш занжирини шаклланди. Ҳудудларда яна юзлаб корхоналарнинг барпо этилиши учун жуда катта замин бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари заводнинг шоурумида ҳам бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Эсдалик учун даракт кўчати экилди. Мухтасар айтганда, миллий иқтисодий тармоқнинг металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда улкан тарихий қадам қўйилди. Янги завод жадал суръатлар билан ривожланиб, sanoatимиз локомотивларидан бирига айланади. Президентимиз таъкидлаганидек, Тошкент металлургия заводи янги Ўзбекистоннинг янги ва ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.

**З.ЖОННБЕКОВ,  
М.ЭЛМУРОДОВ,  
Ў.А. МУХИТДИНОВ**

## ХАБАР

# Осуда ва обод ҳаёт тараннуми

**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида халқ манфаатларига қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Ёшларни маданият, санъат, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб этиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган муҳим анжуманлар, оммавий тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Навбатдаги “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш” мавзусида маданий-маърифий кўнгилочар тадбири Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 11-сонли умумтаълим мактабида ҳам юқори қайфиятда ўтказилди. Амалий мулоқотда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маъриф

# Эл ардоғидаги ижодкорлар

1 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" дея наъра тортган шоир юрағиди сўнмас чўннинг тафтидан қалбимизга илиқлик югуради, юртга бўлган муҳаббат яна аланга олади.

Бугунги ёш авлод Абдулла Орипов қаламига мансуб Ўзбекистон мадҳиясини қўли кўксига қўйлар экан, дида ажиб бир ҳисларни, айниқса, ифтихорни туйди. Шеърларини ўқир экан, шоир ижоди қанчалик кенг



қўламга ва фалсафага, юрт муҳаббатига тўлиқ эканлигини англайди.

Ўқувчилик давридан Абдулла Орипов ижодига ҳайрат ва ҳавас билан улғайдим. Шоирнинг "Йиллар армони" китобини ёшлиқдан ўқиганман. Бу китоб варақланавериб, анчайин эскирган кўринишга келиб қолган бўлса-да, бу китобни ҳозиргача жавонимда авайлаб сақлайман. Гарчи кейинги йиллар давомида шоирнинг бир неча марта китоблари қайта нашр этилган бўлса-да, "Йиллар армони" мен учун қадрдон ҳамроҳга айланган. Бу китоб шуниси билан қадрлики, у ижодга муҳаббат уйғотган. Ҳатто дастлабки шеърларим шу китобга ҳайрат меваси сифатида ёзилганини ҳам яширмайман.

Халқимизнинг китоб мутолаасида Ўткир Ҳошимовнинг роман, қисса, ҳикоялари алоҳида ўрин тутган. Дастлаб "Икки қарра икки беш" ҳажвий қиссасини мароқ ва завқ билан ўқиган бўлсам, кейинроқ "Баҳор қайтмайди", "Нур борки, соя бор" каби асарлари орқали ҳаётнинг турли асту баландини англашга интилади. Сўнг мунгли ва маъво асар — "Дунёнинг ишлари" барчамизни йиғлатди. Бу асар асосида олинган видеофильмлар онгимизни янада чарқлади, туйғуларимизни ўстирди. Қарангки, "Баҳор қайтмайди" асари асосида тасвирга олинган видеофильмда бош қаҳрамон Абдулла Ориповнинг "Кетмоқдан" шеърини кўшиқ қилинган бу икки буюк ижодкорга маълу бир уйғунлик бағишлагандай. Президентимиз қарорларининг бир вақтда эълон қилинишига ҳамоҳангдек.

Ўзбек эстрада санъатининг

дарғаси Ботир Зокиров тававаллудининг 85 йиллиги нишонланаётгани ҳам санъатимиз осмони ёрқин рангларга тўлаётганидан далолат беради. Ботир Зокиров номидидаги эстрада олий мактаби ташкил этилаётганиги маданиятимиз ривож учун айни муддао бўлди. Ботир Зокиров қўйлаган кўшиқлар халқимиз юрағидан муштаҳам жой олган. Ҳали ҳамон Ботир Зокиров кўшиқларини севиб тинглайдиган кексаларимиз кўлаб топилди. Бундай дейишимизга сабаб ҳозирги нурунийларимиз айни навқиронлик даврида Ботир Зокиров дилтортар овози билан санъат осмонида ярқираб чиққан олдуз бўлган. Танқили ёзувчи Ашурали Жўраевнинг Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига бағишланган "Юрак бўронлари" асари қўлма-қўл ўқилганининг сабаби ҳам шундадир.

Гўзал Тошкент шаҳрининг обод кўчаларидан бирига Ўткир Ҳошимов,



яна бирига Ботир Зокиров номи берилиши бу улуг шахсларнинг номини абадийлаштиришга қўйилган катта қадамдир.

Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Ботир Зокировларнинг хотирасига бағишлаб амалга ошадиган барча тadbирларни халқимиз албатта хурсандчилик билан қарши олади, ҳатто унда муносиб иштирок этади. Чунки юртдошларимиз бу қадрдон, юракка яқин шахсларни ҳамиша соғинч билан эсга олади.

Сўзда, оҳангда ҳамиша ҳайрат меваларини берган халқимизнинг ардоқли фарзандларини ёдга олар эканмиз, соғинч, бирмунча афсус туйғулари ҳам қалбимизда буй қўрсади. Раҳматли устозим Абдулла Ориповнинг ҳаётини панду насиҳатларини тинглаганман, кўпгина тadbирларда шогирд сифатида ёнида турганман. Шундоқ энимиздан улуг дарёлар оқиб ўтган экан, биз уларнинг қадрига ета олдиқимиз, хурмат-иззатини жойига қўя олдиқимиз деган изтиробли ўйлар ҳам ўтади ҳаёдан.



Президентимиз эътибори билан юбилей саналари кенг миқёсда нишонланиши ҳақидаги қарорлар қалбимизга таскин бағишлагина қолмай, елкамизга бурч ва масъулият ҳам юклайди. Уларнинг ижодига муносиб равишда амалга ошадиган тadbирларда фаол иштирок этишимиз улугларимизнинг ҳам руҳини шод қилади. Мен устоз Абдулла Ориповга бағишлаб "Дорилфунуним" дея шеър ёзган эдим. Юбилейлари нишонланиши кўзда тутилган муштаҳам ижодкорларимиз Ўткир Ҳошимов ҳам, Ботир Зокиров ҳам назаримда шу таърифга муносиб зотлардир.

\*\*\*

**Бу ишқ айвонидир, бу дил айвони,  
Мен нурман, ҳаттоки, нурдир кукуним.  
Муҳаббат сўзларининг пири, султони,  
Муҳтарам устозим — дорилфунуним.**

**Тупроқнинг қадрини қайдан билгайлар,  
Хаёли осмондан топганлар кўнми.  
Сизга, сабоқларни кўмсаб келгайлар,  
Муҳтарам устозим — дорилфунуним.**

**Ҳақ қалом тоғни ҳам қалқитиб қўяр,  
Шарқироқ анҳорлар покиза уним,  
Ўзимни кўзимга балқитиб қўяр,  
Муҳтарам устозим — дорилфунуним.**

**Ҳаёт мўъжизалар тортиқ айлагай,  
Муаттар ҳисларга тўлуқ ботиним.  
Интизор қалбимни сўзга жойлагай,  
Муҳтарам устозим — дорилфунуним.**

**Шоҳ сўзларга буткул ошуфтаман ман,  
Ишқу вафо ичра ёниб бетиним.  
Анладим, энг улуг сўз эрур Ватан,  
Муҳтарам устозим — дорилфунуним.**

Ғайрат МАЖИД.

## МУЛОҲАЗА

**"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" ҳам аста-секин ўз пойнига етиб бормоқда. Аввало, йилга шундай ном берилгани бежиз эмас эди. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти, ривожланиши илм-маърифатга боғлиқ.**  
**Илм олиш борасида ибратли ҳикоялар, ҳадислар, мақоллар бор. Масалан, "Бешикдан қабргача илм узла", "Билаги зўр бирни йиқар, билми зўр мингни йиқар", "Билмаганини сўраб ўрганган олим, орлинги сўрамаган ўзига золим", "Кўнгулларнинг сурури илмдандир, кўрар кўзларнинг нури илмдандир" каби.**

хоҳлаган нашрларга, айтайлик, "Халқ сўзи", "Хуррият", "Наманган ҳақиқати", "Наманган садоси" каби нашрларга буна қилинса, маънавиятсизлик ёки замондан орқада қолганлик ҳисобланмайди.

Қолаверса, қайси синф раҳбари буни уюшқоқлик билан ташкил этса, директор жамғармасидан муқофотлар ташкил қилиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳам моддий рағбат тариқасида газета, журналларга буна уюштирилса, зўр иш бўлади-ку! Ҳа, ўқувчи бир умр бу яхшиликни унутмайди, катта бўлганида ҳам эслаб юради, ҳам ўзи савоб учун кимнидир буна қилишга ҳаракат қилади. "Савоб ишни ҳар ким ҳар қун қилиши керак", деб бежиз айтилмаган-да.

Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" номли китобини ўқимаган инсон ораимизда ҳам топилса керак. Асарнинг бош қаҳрамони Ҳошимжон Рўзиев мактабда ўқини ёмон кўради.

# ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИК ШАРАФМИ?



Энди савол туғилади: Бугунги ёшлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўз қимматини йўқотмай келаётган ана шу ҳикматли сўзларга, мақол ва ҳадисларга амал қилишяптими? Китоб, газета ўқишяптими? Афсуски, бу саволларга жавоб бериш мушкул. Чунки сир эмас, кейинги 5-10 йилнинг ичида уяли алоқадан фойдаланувчилар сони кескин ортиб кетди. Ачинарлиси, наинки ёшлар, балки катталар ҳам интернет тизими орқали ижтимоий тармоқларда тарқатилган турли хил хабарларни кўриш билан чекланиб қолмоқда. Китоб, газета ўқишга эса қизиқиш пасайди. Ҳўш, нега шундай бўляпти?

Бугун 50 ёш ва ундан ошган кишилар билан шу мавзуда суҳбатлашсангиз, улар илгари ҳар бир хонадонга қамиди 5-6 тадан газета-журналлар кириб борганлигини, уларни оила аъзолари билан мутолаа қилишганини айтишади. Шунингдек, "биз танчанинг аτροφидида ўтириб китоб ўқирдик, ота-боболаримиз бизга эрталар айтиб беришарди. Ёшлар асар қаҳрамонларига ўхшаб мард, жасур, ҳақол ва меҳнатқаш бўлишга ҳаракат қилишарди", дейишади. Нега ана шундай эзгу ва миллий урф-одатларимиз бугун унутилляпти?

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага ҳам эътибор қаратиб, жумладан, шундай дедилар: "Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбури буна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолат келдики, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мактабдан бўлдилар".

Президентимизнинг бу гапларидан кейин газета, журналларга буна масаласида тўб ўзгариш бўлади, деб умид қилгандик. Афсуски, бу йил ҳам буна мавсуми жуда қийинчилик билан давом этмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари: "Биз ишчи-хизматчиларимизни, ходимларимизни мажбурлаб буна қилдира олмаймиз. Қолаверса, юқоридан кўрсатма бўлмаяпти-ку?" — дейишмоқда. Кўрсатма бўлмаса, ҳатто ишга бормайдиган айрим раҳбарлардан нимани ҳам куттиш мумкин. Бундай раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатини маънавият ва маърифатга юзаси ендашув, деб биламиз.

Тўғри, мажбурлаб буна қилдирилсин, деган топшириқ бўлмади. Лекин бу бизнингча, ҳар бир раҳбарнинг ташкилотчилик қобилиятига, босма нашрларнинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини теран англашига ва жамоаси аъзоларига буни еткази олишига боғлиқ. Айтайлик, битта мактабда 2000 ўқувчи ва 80 ўқитувчи бор. Директор, маънавий ишлар бўйича ўринбосари билан биргаликда ўқитувчиларга, ота-оналар вакилларига йиғилиш ўтказиб, обунанинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини тушутириши мумкин-ку! Энг аввало, ўқувчилар учун мўлжалланган "Ғунча", "Гулхан", "Тонг юлдузи" каби нашрларга, педагоглари эса фанларига оид "Бошланғич таълим", "Маърифат", шу қатори, ўзлари

Берилган топшириқларни ҳам синфдоши Орифнинг дафтаридан кўчириб олади. Кунлардан бир кун у мактаб директорининг номига ариза ёзиб қиради. Унда жумладан: "Биз, ўқувчилар, кейинги пайтларда жуда қийналиб кетдик. Шунинг учун дарс жадвалидан илҳом бўлса физика, математика, химия каби фанлар чиқариб ташланса, бу фанларнинг кимга кераги бор, фақат бошни қотиради, холос. Буларнинг ўрнига футбол ҳақида фан бўлса, ана ўша киритилса зўр бўлади, биз ҳам барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиймиз, тўполанг қилмаймиз", дейилган.

Лекин унинг бу хом хаёли амалга ошмайди. Мактаб директори унга бу фанлар жуда ҳам кераклигини, уларни ўқимасдан, билим олмасдан туриб одам олим ҳам, инженер ҳам бўлолмаслигини тушутиради.

"Тарвузи қўлтиғидан думалаган" Ҳошимжон энди сеҳрли қалпоқчани ишга солади... Шундайин, бугунги раҳбарлар мамлакат миқёсида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган янги илоҳотларни "сеҳрли қалпоқча" кийиб билиб олаверамиз дейишмаяптимики...

Аммо замондан беҳабарлиги, билими йўқлиги, ўқимаганлиги учун Ҳошимжон ҳеч нарса эплмай олмади. Ахирги шарманда бўлади... Ана шунақа, фақат сўкишни қойиллаётган айрим раҳбарларда маънавият етишмаслиги сезилса, маънавиятсизлик ўқимаганлиқдан келиб чиқади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, инсон ҳаётида босма нашрларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Қолаверса, кириб келаятган йилда сайловлар ҳам бўлиб ўтади. Албатта, бу муҳим сиёсий жараён газеталарда кенг ёритилади, ташвиқот-тарғибот қилинади. Сайловга тайёргарлик, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари рўйхати, номзодларнинг дастурлари босма нашрлар орқали кенг халқ оmmasига етказилган. Битта ҳукумат газетаси барини ёрита олмади. Шундай экан, мавсумда отни қамчилган маъқул.

Шу ўринда, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: "Маърифатли халқ шижоатли бўлуқ", деган пурмаъно сўзини ёдга олиш кифоя. Бугун мамлакатимизда Учинчи уйғониш даврининг пойдеворини яратишга киришдик. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" қадам ташланди. Таълим тизимида улкан илоҳотлар давом этмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, бугун 1-синфда ўқишни бошлаган фарзанд ва набираларимиз орасидан Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий каби алломалар, олимлар етишиб чиқишдан умидворим.

Шундай экан, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, муассислар, ота-оналар китоб, газета ва журнал ўқинишнинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини юракдан ҳис қилган ҳолда босма нашрлар обунасини юксак уюшқоқлик билан ташкил этишларига ишонамиз.

Комилжон ФАЙЗЕВ,  
"Наманган садоси" газетаси муҳаррири.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# Касб этикасига бағишланди

**Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги байрами олдидан "ОАВ орқали инсон шайни, кадр-қиммати ва ишанглик обрўсига пурут етказилганлик, туҳмат ёки ҳақорат қилинганликдан ҳимояланиш масалалари" мавзуда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.**

Давра суҳбатини Уюшма қошидаги Ҳуқуқий журналистика кенгаши раиси О.Усаров олиб борди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов журналист ва блогерларимизни оммавий ахборот воситаларига оид қонунчиликдан, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексидан хабардор этиш шаклининг долзарб вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатига ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзлари чоп этаётган ахборотларнинг тўричилиги, уларни баён этиш шаклининг одоб доирасида бўлиши учун жавобгар эканлиги айтиб ўтилди.

— Кўча ахбороти маконига айланаётган ижтимоий тармоқларда барқарорлиқнинг йўқлиги сабаб одамлар қалғиб қоляпти. Салбий муносабатлар авж олиб кетди. Бугунги кунда шахсий маълумотлар инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинган, уни ошқор қилиш ёки шахсининг розилигисиз ошқор этишга ҳеч қандай ҳимоя берилмаган. Истаймизми-йўқми бугун ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган ҳар қандай маълумотга ҳам тўлиқ ишониб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори Бобоқул Товшев.

Давра суҳбати якунида журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Ислом АСИЛБЕКОВ,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.

## ТАДБИР

# “ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ”ДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ



**Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржаси акциядорлик жамияти 1994 йили апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги энг йирик савдо майдончаси, ҳамда МДҲ мамлакатлари ичида изчил ривожланиётган хонашў биржаси ҳисобланади.**

**Унинг таркибий тузилмасига республикамизнинг барча вилоятларининг марказларида жойлашган 13 та филиали қиради. Шунингдек, ҳозирги кунда миқозларга 200 дан зиёд савдо майдончалари ва 800 брокерлик идоралари биржа хизматларини кўрсатиб келмоқда.**

Биржада электрон савдо тизими (автоматлаштирилган савдо-сотуққа тегишли талабларни йиғиш ва уларга жавоб бериш электрон савдо тизими), Кўргазма-ярмарка савдоларининг электрон савдо тизими, Авторақамларни сотиш бўйича электрон савдо тизими, Электрон давлат харидлари, Мобили рақамларни сотиш бўйича савдо тизими каби 5 та савдо платформалари фаолият юрятади.

Кеча "Ўзбекистон Республика товар-хонашў биржаси" акциядорлик жамиятида "9 декабрь — Халқаро корруп-

цияга қарши курашиш кунини" муносабати билан "Очиқ эшиклар кунини" ва Оммавий ахборот воситалари учун Пресс-тур бўлиб ўтди.

Тadbир Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда ташкил этилди. Тadbирда йиғилганлар биржа фаолияти билан атрафлича таништирилди, унинг очкилиги, жамоатчилик ва фуқаролар олдидан ҳисобдорлигини таъминлаш, биржа фаолиятида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича амалга оширилган ишлар мавзусида суҳбат ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Тақлиф чекланганда ва талаб юқори бўлганда биржа ишга муҳтоқлик келиб чиқади. Бу нархни шакллантириш, шаффофлиқни таъминлаш, инсон омилининг олдини олишда биржа фаолияти жуда зарур бўлади. Бизда бугун шаффофлик ва очкилиқни таъминлаш борасида жуда катта ишлар олиб боришмоқда. Нархлар маълум бир қоида асосида ўсиши мумкин, бозорда тақлиф қамайиши асосида талаб ошиши, яна тақлиф қўлайиб кетганда талаб пастга тушиши мумкин. Албатта, тақлифдан келиб чиқилади. Бизнинг "xarid.uz" деган платформамиз бор. Биржа харидлари ва корпоратив харидлар бўйича барча шартномалар эълон қилинади. Булар айни пайтда журналист ва блогерларимиз томонидан изчил ўрганиб борилмоқда. Бизнинг мақсадимиз халқнинг талаб-истакларини мак-

симап даражада ўрганиб, уларнинг эркин иштирокчини таъминлашдан иборат, — деди Ўзбекистон Республика товар-хонашў биржаси акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Зулфиддин Камолов.

Биржа нафақат бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси, балки хуфийна иқтисодиёт ва коррупция элементларини бартараф этишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бунда шаффофлик ва ошқоралик замонавий ахборот технологиялари ёрдамида барча савдо тизимларида, биржа савдолари ва онлайн-аукционларнинг ҳар бир босқичида таъминланади.

— Акциядорлик жамиятимиз бугун нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнига эга. Биз товар айланмаси бўйича МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринда тураемиз. Утган йили бизнинг товар айланмаси 4,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди. Ҳозир биз турган жойимиз Марказий офисимиз саналади. Кейинги залда брокерларимиз иш олиб боришади. Айни пайтда пандемия сабаб айрим брокерларимиз онлайн тарзда ишлашмоқда. 1000 дан ортиқ брокерларимиз, 13 та худудий филиалимиз бор. 300 дан ортиқ савдо майдончаларига эгамиз ва уларни биржанинг кичик шаоҳбачалари, деб аташ мумкин. 15 дан ортиқ мамлакатларда савдо майдончаларимиз бор, улар ҳам бизнинг савдо ярмаркаларимизга уланган ҳолда ишлашади. Бу экспорт ва импорт йўналишидаги ишларни жаддалаштиради, — деди Ўзбекистон Республика товар-хонашў биржаси акциядорлик жамияти матбуот котиби Ҳикматилло Тиллабоев.

Тadbирда авторакамларни сотиш бўйича электрон аукцион савдолар меха-

низми, биржанинг бошқа савдо платформалари каби очик-ойдинлик, ошқоралик, рақобат ва барча савдо иштирокчилари учун тенг шароит яратиш таъминчилигига асосланганини, уларни савдоларга қўйилиши Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ бўлималарининг маъсул ходимлари томонидан амалга оширилиши таъкидланди. Шунингдек, чиройли сонлар комбинациясига эга уяли телефон рақамларини сотиш бўйича янги савдо платформаси ишлаб турибди. Онлайн аукционда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкинлиги айтилди.

Ҳозир йилнинг 11 ойлик якунларига кўра биржанинг барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2019 йилнинг ўтган даврига нисбатан 23 фоизга ўсиб, 48,1 триллион сўмни ташкил этган. Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали "xarid.uz"да 3,7 триллион сўмлик битимлар тузилган. Бунда бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг маблаглари тежаллиши 11 фоизга ўсиб, 804,9 миллиард сўмни ташкил қилган.

Утаётган йилнинг январь-ноябрь ойларида "avtoqam.uz.uz" веб-сайтида онлайн-аукционлар орқали 240,1 миллиард сўмлик 93,9 миңдан зиёд чиройли авторакамлар сотилган. Тузилган битта битимнинг ўртача қиймати 2,5 миллион сўмни ташкил этади.

Халқаро стандартларга мос равишда олиб борилган биржадаги ушбу жонли ва интерактив суҳбатлар йиғилганларни биржа фаолияти билан таништириш баробарида, уларга кўтаририллик бахш этди.

Гўзал МАТЕКҲУБОВА.

# “ОЙНАИ ЖАҲОН”ДА ХОРАЗМ



**1** Сўхбат орасида Исқандар Дўсов: “Бизнинг Хоразмда ҳам телевидение ташкил қилиш мумкинми?” — деб сўрайди. Унинг бу саволи шунчаки ҳавасдан айtilган гап эмасди. У юрта қайтиб келгандан сўнг вилоят раҳбарларига шу хусусда мурожаат қилган.

Қизиги шундаки, содда, деҳқон одам ўзининг жамоа ҳўжалигида телевидение ташкил қилишни ўйлаган. Боғот туманидаги собиқ Наримонов жамоа ҳўжалиги марказида телевидение ташкил қилиш учун тайёрлик ишларини бошлаб юборди ҳам. Шундан сўнг, республика, вилоят раҳбарлари унга телевидение фақат республикада борлигини, агар керак бўлса, уни вилоятда ташкил қилиш мумкинлигини тушунтиришди.

Шундай қилиб, Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг илк биноси 1960 йилларда Исқандар Дўсов ташаббускорлигида вилоятдаги жамоа ҳўжаликларининг ҳомилийк маблаглари ҳисобидан қурилади. Урганч шаҳридаги муҳташам кўчалардан бирига бугун Исқандар Дўсов номи берилган.

— *Халқ бор дунёси билан матбуотга суянган бир пайтда бу хоразмликлар учун муҳим бир тарихий сана, катта бир байрам бўлган экан-да...*

Бугунгидай ахборот шиддати бўлмаган бир замонда Хоразм телевидениесининг илк кўрсатуви халқ орасига қандай кириб борганини тасаввур қилаверинг энди. 1961 йил 31 декабрь кўни эфирга узатилган илк кўрсатуви халқ орасида Хоразмнинг катта бир байрами сифатида қутиб олинган. Дастлабки даврларда, асосан, тўғридан-тўғри эфирлар бўлган. 1982 йилда Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган катта тадбирлар бошланиб кетди. Айнан шу даврдан бошлаб Хоразм телевидениеси рангли кўрсатувларни эфирга узатиш учун мос бўлган технологиялар ўрнатилди. 1982 йилни шу маънода Хоразм вилоят телерадиокомпанияси тарихининг иккинчи муҳим босқичи, деб атасак бўлади.

Бу босқич 2006–2007 йилларда телевидение янги “Siemens” телетехнологиялари билан жиҳозланганга қадар давом этди. Бу даврда эски асбоб-ускуналар ҳажман ихчам бўлган янгилари билан алмаштирилди. Бугун эса бевоқиф рақамли форматда ёзиб олиш техникаси ҳам йўлга қўйилган. Жойларга чиқиб материаллар тайёрлашда замонавий техникалар қўллана бошланди.

Мана, 2019 йилда Юртбошимиз ташаббуслари билан қурилиб, замонавий жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Бу санани Хоразм вилоят телерадиокомпанияси ривожига янги — учинчи босқич, деб бемалол айта оламиз.

— *Пойтахтдан узоклашиб, халқ ҳаётига чуқурроқ кирган сари, аҳоли дуч келаётган муаммолар, тўсиқлар, турли хил чалкаш масалаларга кўп тўқнаш келинади. Хоразм телевидениеси халқнинг ичига қай даражада кириб бора оляпти ва муаммоларнинг ечим топишга қандай ҳисса қўшапти?*

— Бош Қомусимизда Ўзбекистонда цензу-

рага йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўзи тарқатаётган маълумотнинг ҳолислиги, ҳаққонийлиги учун масъул. Сир эмаски, бугунги кунга келиб ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг сони анча кўп. Чунки блогерлар ёки оддий фуқаролар ҳам ижтимоий ҳаётдаги, жамиятдаги эътибордан четда қолган муаммони тезгина тармоққа жойлаб юбориши мумкин. Аммо ижтимоий тармоқда тарқалган ахборот билан телевидение, радио ва босма нашрларда ёритилган ахборот ўртасида катта тафовут бор. Биз ҳар бир бераётган маълумотимизни чуқур ўрганган ҳолда ёритишга ҳаракат қиламиз. Интернет тармоқларининг энг катта камчилиги шундаки, уларда ноҳолис ахборотлар ҳам ёйилиб кетаверади. Маҳаллий ижтимоий тармоқларда ҳудуд бўйича қандайдир хабар тарқалган бўлса, уни ўрганиб, “Бу ҳолат чиндан ҳам юз берганми?”, “Масала ҳақиқатан шунчалик муаммолими?” — деган саволларга жавоб топиб, кейингина муносабат билдиришга киришамиз.

“Ойнадаги доғлар” номили кўрсатувимиз бор. Бу кўрсатуви ҳар бир тумандан алоҳида тайёрланади, журналист туманда эркин юрган ҳолда эътибордан четда қолиб, ечим топмаётган муаммоларни тасвирга олади. Бу дастуригимизга жуда яхши муносабатлар билдирилмоқда. Кўрсатувининг ҳар бир сонидан кейин туманларда фаоллар йиғилиши ўтказилиб, камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари кўрилади. Аслида, танқидий-тахлилий материал эфирга узатишдан мақсад, мавжуд камчиликларга жамоатчилик, қолаверса, раҳбарият эътиборини қаратиш, муаммони ҳал қилишга ундашир.

— *“Хоразм-24” инфорацион дастуригимизда “Мурожаат изидан” номили рункимиз бор. Унда телевидениемизга келиб тушган ҳар бир мурожаат жойига бориб ўрганилади ва ёритилади.*

— *Тўғридан-тўғри эфирга бериладиган кўрсатувларнинг ҳақида ҳам гапирсангиз.*

— Ҳозирда фақат телевидениенинг ўзида туриб жонли эфирга чиқиш имконияти бор. Телерадиокомпаниямизга режага асосан, на сиб этса, 2021 йилда яна янги технологиялар олиб келингандан кейин вилоятимизнинг исталган ҳудудидан туриб, тўғридан-тўғри эфирга узатиш имкониятига эга бўламиз. Ҳозирги кунда ҳар ҳафта камидан 2–3 та кўрсатуви жонли эфирга узатилади. “Ҳоким билан мулоқот”, “Очқ милоқот” кўрсатувларини тўлиқ жонли эфирда берамиз. У бир соат давом этади. Эфир вақтида телефон орқали келган саволлар ўқиб эшиттирилади, мутасаддилар томонидан жавоб берилди. Илгарилари айрим саволларни биз журналистлар ўқиб кўриб бераётган бўларди, тўғриси ҳайиқардик. Лекин кейинги йилларда очқик сессиянинг шарофати билан қандай асвол бўлишидан қатъи назар эфир вақтида сўралмоқда.

— *Кўлаб вилоят телевидениеларининг кўрсатувлари Республика телевидениесида бериладиган кўрсатувларнинг тақририга ўхшаб қолган. Хоразм телевидениеси шундай бир хилликдан, тақрирдан, тақлиддан қоча оляптими?*

— Хоразм телевидениеси 60 йиллик тарихий йўлни босиб ўтган, ўзига хос узтоз-шоғирд аънаналари бўлган телевидение. Хоразм диёрининг юзига айланган кўрсатувлар мавжуд. Масалан, “Хоразнома” дастури. Бу кўрсатуви Хоразмнинг тарихи, маданияти, аънана ва қадриятларини кўрсатувчи, халқ кутадиган кўрсатувлардан биридир. Бундан ташқари, “Мукамаллик” номли дастуригимиз ҳам бор. Менимча, бошқа маҳаллий телевидениеларда бунга ўхшаш кўрсатуви мавжуд эмас. Бунда катта авлод вакиллари билан сўхбатлар қилиниб, “Инсон қандай қилиб мукамалликка эришиши мумкин?” — деган саволга жавоб изланади. Ёш журналистларимизнинг лойиҳаси бўлган “Қизим сенга айтаман” кўрсатувимиз ҳам бетақдор.

Илгари кўрсатувлар фақатгина инфорацион характерда тайёрланган. Вақт ўтиб яна қайта эфирга беришнинг имкони бўлмаган, чунки эскирар эди. Охири пайтда вақт ўтиб ҳам томошабинларимизга тақдим этиш мумкин бўлган кўрсатувларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратадиган бўлдик. Айтайлик, “Бор гап шу” кўрсатувимизни беш-ўн йилдан кейин ҳам бемалол намойиш қилиш мумкин.

Бугунги томошабин бундан 10–20 йил олдинги томошабин эмас. Бугунги томошабинда дид, савия, дунёқараш мукамаллашган. Илгари деярли рақобат бўлмаган. Бугун республика кўрадиган икки-учта канал бор эди, ҳолос. Ҳозир эса биргина пойтахтнинг ўзида бир қанча хусусий каналлар бор. Ёки дунёдаги бошқа давлатларнинг каналларини ҳам кўриш имкони мавжуд. Мана шундай рақобатга бардош бериш, ортада қолиб кетмаслик учун бугунги тележурналист ҳам, радиожурналист ҳам ҳар қачон изланишда бўлиши, ўзини ўзи тахир қилиши, тўлдириши керак.

— *Шу ўринда, бир масалада фикрларингиз биз учун қизиқ. Бугун ижтимоий тармоқ аталмиш жуда тезкор, шу билан бирга, ноҳолислик, шовшмошарлик билан тайёрланган материаллар ҳам бемалол тарқалиб бораётган тармоқлар пайдо бўлдики, бу матбуотга, телевидениега ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қўймади. Шундай вазиятда матбуотнинг ўрни қандай, унинг овози қаяреча етиб борапти?*

— Собиқ иттифоқ даврида матбуотда чоп этилган ҳар бир хабар қонун даражасида қабул қилинган, шу гап тўғри, деб билинган. Юртдошларимизда йиллар давомиди ана шу кўникма шаклланган. Баъзи ҳолатларда кўпчилик ижтимоий тармоқдаги маълумотларни ҳам ҳақиқат, деб қабул қилмоқда. Бироқ ижтимоий тармоқлардаги оддий сўзлашув услубидаги жамлалар, нотўғри ёзилган сўзлар билан маълумот берилмоқда. Ахборот тарқатилмоқда. Бу оммавий саводсизликнинг ортшишига ҳам сабаб бўлади.

Яқин йилларда “мажбурий обуна” деган тушунча пайдо бўлди. Лекин жадид маърифатпарварлари даврида “Маънавият, керак бўлса, мажбурий синдирилиши лозим” деб айтилган. Биз бугун одамларни ихтиёрий равишда маърифатга етаклай олмасак, қайси-дир маънода мажбуриятимизга ҳам тўғри келиши мумкин. Ахир болангизни тергаб турмасангиз, китоб ўқийдими? Халққа маърифат камчиси ҳам керак-да. Бошқа томондан, бу вазият матбуот ва телевидение журналистларини рақобатга ҳам етакламоқда, изланишга мажбурламоқда.

— *Бугун тележурналистикага қандай ёшлар кириб келяпти? Телевидениеда тасвир алдаб қўймайдими?*

— Журналистика соҳасига ҳавас билан кириб, кейин бу ишни давом эттиролмаётган ёшлар ҳам бор. Бу ҳозирги телевидение, радио, матбуотнинг энг орқикли нуқталаридан бири. Талабалар бизга амалиётга келишганда кўрамизки, жуда кўп ёшларимизда иқтидор, изланиш бор. Ўзим ҳам жойларга чиқиб аҳоли вакиллари билан сўхбат қиламан. Шундай вақтларда яхши-яхши иқтидор эгаларини излаб топишга ҳаракат қиламан. Ва топсам, уларни ишга тақлиф этаман. Аммо бизда таснифлаш (классификация) деган нарсаси бор. Бу ёмон. Президентиимиз ҳам шу ҳолатни танқид қилдилар. Магистр дипломига эга журналистдан талаб даражасидаги яхши мутахассис чиқмаслиги ҳам мумкин-да. Аммо шундай иқтидорли ёшларимиз борки, қўлида диплом бўлмаса ҳам, журналистликни дундириб қўяди.

— *Бошловчилик масаласи қандай? Хоразм шеvasида гапирадиган аҳолига бу борада муаммо туғилмайдими?*

— Бизда бошловчилар танлови ҳам ўтказиб турилади. Ана шундай танловларда Мурод Атажонов исмли йигитни кашф қилганмиз. Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатган, мутахассислигига кўра, техник ҳодим бўлиши мумкин эди. Аммо телебошловчилар танловида ғолиб чиқди. Шунга айтишим керакики, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисига мурожаат қилиб, истисно тариқасида, мутахассислиги тўғри келмаса ҳам, иқтидорли бор бўлганларни муҳаррир, бошловчи сифатида ишга олиш мумкин. Хуллас, уни ишга олдик. Буни қарангки, у “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорига айланди.

— *Кўрсатувлар адабий тилда олиб бориладими ёки шевада ҳам теледастурлар тайёрланадими?*

— Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили бўлиб, оммавий ахборот воситаларида давлат тили меъёрларига амал қилиниши зарур. Хоразм шеvasи ҳам ана шу давлат тилининг бир парчаси, бир қисми. Шу маънода, айрим кўрсатуви қаҳрамонлари бўладики, уларнинг сўзларида шеванинг маълум қочиримлари бўлади. 2021 йилда “Тилимизни ўрганишимиз” номили кўрсатуви ташкил қилмоқчимиз. Унда она тилимизнинг бўл имкониятларини ёшларимизга яхши-роқ етказиб беришга ҳаракат қиламиз.



Маърифат ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм телевидениеси катта муҳаррири:



— Бу соҳага 7-синфлигимда кириб келганман. Дадам телевидениеда техник ҳодим бўлиб ишлаганили боис, улар билан бирга келганимда, устоз журналистларни кўрдим ва соҳага меҳрим кундан-кун ортиб борган. Дастлаб болалар кўрсатувларида бошловчилик қилганман. Ёшим каттароқ бўлган, “Ёшлик”, “Соғлом авлод – соғлом келажак” кўрсатувларида ҳам бошловчилик қилдим, мустақил лавҳалар тайёрладим.

Устозларим Гулсанам Маннанова, Муқаддас Машариповалардан амалий сабақларни ўрганганман. Кейинчалик университетга кирдим, турмуш, бола-чақа билан бўлиб телевидение муҳитидан анча муддат ажралиб қолдим. Аммо бир неча йиллик танлашдан сўнг, 2013 йилда ўз соҳамга яна қайтдим. Ушандан бери шу ерданман. Бу ерга ишга келганимда, менга ҳуқуқий масалаларни ёритиш масъулияти юклатилди. Мудофиа тизими, ички ишлар тизими, фавқулодда вазиятлар, миллий гвардия билан ҳамкорликда юрт тинчлиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда мен тайёрлаётган кўрсатувларнинг мавзусидир. Бундан ташқари, ҳафтада бир кун “Хоразм-24” ахборот инфорацион дастурига муҳаррирлик қиламан. Ҳозирда барча соҳалар қатори ОАВ тизимида ҳам ёшларга катта эътибор қаратиляпти. Ўзим мустақил ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мавзуларда тахлилий материаллар тайёрлай оладиган даражага етишдим. Бунда, албатта, устозларимнинг ҳиссаси жуда катта.

Ажойиб шароитларда фаолият кўрсатишимиз учун давлатимиз томонидан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясига янги бино қуриб берилди. Аввалги эски биномидан осмон билан ерча фарқи бор. Илгари ишхонамизга одам келишидан уялардик. Энди ҳаммаси бошқача. Бу эътибор натижасида ҳамкасбларимиз ўз ишига виждонан ёндашиб, нимадир янгилик қилишга уринишади.

— *Эркинбой ЭҒАМОВ, муҳаррир, “Шуҳрат” медали совриндори:*



— Мутахассислигим бўйича режиссёрман. Аммо бошловчиликка қобилиятим бўлгани учун ишга тақлиф қилинганман. Бир муддат шу вазифада ишладим. Ушанда кўлимга келадиган кўпгина матнлар тахрир талаб бўларди. Уларни ўзим тўғрилаб, тахир қилиб кейин халққа тақдим қилардим. Сўнг муҳаррирлик вазифасига кўтарилганман. 2009 йилда Партов тўғрисида кўрсатуви қилдим. Менгача бу мавзуга умуман қўл урилмаган экан. Партовнинг қабрига бориб, хароба аҳволдалигини кўра-

нимда бу менга қаттиқ таъсир қилган эди. Ўғли Тошкентда кинорежиссёр, бошқа фарзандлари ҳам катта-катта ишларда ишлайди. “Унинг қабри бу аҳволда эканлигига ким сабаби?” Фарзандларим, қариндош-уруғларим ёки маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлигимми?” — деган саволни ўртага қўйганман. Кўрсатувдан кейин Янгиариқ туман ҳокими қабрини чиroyли қилиб таъмирлатиб берди.

— *Ибрагимов ШАВКАТ, бош режиссёр, “Шуҳрат” медали совриндори:*

— Мен 1997 йилдан бери Хоразм телевидениесида ишлайман. Даставвал иш ўрганувчи бўлиб келганман. У пайтда Ганжа ака Қур-



бонбоев бош режиссёр эди. Кейинчалик бош режиссёр лавозимига тайинландим. Ўзимиз маҳорат мактаби очганмиз. Ҳозирги пайтда жонли эфирдаги кўрсатувлар томошабинларга кўпроқ манзур бўляпти. Албатта, ёки бугунги кунда замонавий дунё билан қадам-бақадам юриб, кўрсатувларга янгича руҳ беришга ҳаракат қиламиз. Биз қанча замонавийлашмайлик, қанчалар янгиликка интилайлик барибир, миллиятнинг миллий руҳини ҳар бир кўрсатувда сақлаб қолишга уринамиз.

— *Сайёра ҲАСАНОВА, катта муҳаррир:*



— Биринчи тайёрлаган кўрсатувим “Нажмиддин Кубро” ҳақида бўлган. Уни шоир ва таржумон устоз Матназар Абдулҳаким билан биргаликда тайёрлаганмиз. “Саломатлик сирлари” кўрсатувим, радиода “Саломатлик мезонлари” эшиттирилари бор. “Ассалом, Хоразм” кўрсатувининг чоршанба кунги эфирлари муаллифлик қиламан.

Хоразм телевидениеси пандемия вақтида қаҳрамонлик кўрсатди, деб айта оламан. Чунки улар махсус кийимларни кийиб, даволаш нуқталарига кириб боришди, беморлар қандай даволашмоқда, уларнинг руҳий ҳолати қандай, даволашда қанақа муаммолар бор ёки қандай ютуқларга эришиляпти, барчаси изчиллик билан ёритиб борилади.

Бир неча йиллар олдин юртимизда камқонлик касаллиги авж олган эди. Воҳамиз экологик носоз ҳудуд бўлганидан камқонлик таъсири бизда кўпроқ сезиларди. Биз шу йўналишда маълум ҳудудлар бўйича тахрирлар ўтказдик. Корей ва ўзбек аёлларининг камқонлик даражасини солиштирдик. Корей ҳам, ўзбек ҳам бир хил экологик шароитда яшаётган эди. Аммо корей аёлидан кўра ўзбек аёлида камқонлик хасталиги кўп ва юқори даражада қайд этилган. Гап фақат экологияда эмаслигини ана шунда аниқлаб етдик ва бунинг сабабларини кўрсатувларимиз орқали мунтазам ёритиб бордик.

Телевидениеда гиёҳвандликка қарши кураш борасида ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда. Германия республикасининг “CADAP” лойиҳасида иштирок этдим. Польшанинг Варшава ва Краков шаҳарларида ўз роликларимиз билан қатнашиб келдик. 2016 йилда АҚШнинг USAID ташкилотининг силга қарши кураш лойиҳасида қатнашиб, “Олтин қалам” мукофотиغا сазовор бўлдим. Буларнинг ҳар бири бизни ўз соҳамизда янада чуқурроқ, янада универсалроқ бўлишга ундади.

— *Шахзод ШОДМОНОВ тайёрлади.*



### ТАРИХ АНДУХЛАРИ

**Миллий тарихимиздан маълумки, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг Чор Россияси томонидан босиб олинishi натижасида турли қирғинлар уюштирилди. Оқ подшо зулмига қарши мустақил ва замонавий давлат барпо этиш йўлида курашган юртдошларимиз турли баҳоналар билан таъқибга олинди. Хусусан, XX асрнинг бошида вужудга келган жабидчилик ҳаракати аъзолари бошига тушган фожиалар ҳар бир ватандошимизнинг қалбида аламли изтироб уйғотади.**

**Жабидлар хонлиқлар ва амирлик ўрнига янги мамлакатни бунёд этишни истишди. Улар ўсмир-ёшларнинг илми бўлиши учун курашди. Рус зодагонларининг халқимиз бойликларини талаб кетишларига қарши турди. Истиқлолни орзу қилди...**



## Эркинлик ваъда қилинди, аммо...

Аввалига жабидларнинг аксарияти Чор ҳукуматининг "найранги" олдида доғда қолди. Чунки, Николай подшо Марказий Осиёда яққа ҳукмронлиқни ўрнатмоқчи эди. Шу сабаб, жабидлардан фойдаланди. Уларга хонлиқлар ва амирни енгизиш орқали озод ва фаровон ҳаёт ваъда қилинди...

Сўнгра, собиқ иттифоқ даврида ҳам асосан, рус подшолиги сиёсати давом эттирилди. Миллатдошларимиз орасида илм ва тил ўрганишга интилган, дунёвий ўзгаришлар билан таниш бўлган, жаҳон адабиёти ва журналистикасини ўзлаштириш мақсадида хорижа бориб таълим олганлар хиёнаткор, "давлат хоини"га айланди. Ўз юрти ва халқининг маърифати учун олис Европада тахсил олган умидли ёш маърифатпарварлар эса дорга осилди.

Кейинги йилларда қатагонга учраган ватандошларимиз, буюк маърифатпарварларнинг

меросини ва фаолиятини қайта ўрганиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилди. Ўрганишлар давомида ўзбек халқининг минг-минглаб асл фарзандлари ҳеч бир айбисиз ўлимга ҳукм қилингани очиқланмоқда. Президентимизнинг "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида мазкур масалани тарихчи олимлар ва тадқиқотчиларга янги вазифалар юклянди.

Натижада ана шундай асосиз қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз Низомидинхўжа Асомиддинхўжа (Низомидинхўжа Хўжаев) ўғли қаҳқонда янги маълумотлар очиқланди. Бу жабидчи бобомизни кўпчилик билмаслиги мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Н.Хўжаев, 1886 йил Тошкент шаҳрида оддий хунарманд оиласида дунёга келади. Дастлаб,

эски, сўнг рус-тузем мактабида таълим олади. Табиатан очик ва ўта жасоратли Низомидин болалигидан жабидчилик оқими

ғоялари таъсирида улғаяди. Низомидин Хўжаев Тошкент тараққийпарварларнинг пешкадами Мунавварқори Абдурашидхоннинг энг яқин кишиси эди.

"Турон" театрининг ташкил этилишида ҳам фаол иштирок этади. Труппанинг илк томошалар кўрсатишида яқиндан ёрдам кўрсатади, театр учун пьесалар ёзади. Оқ подшонинг маҳаллий аҳолини "Фронт орти ишларига жалб этиш ҳақида"ги фармони ва унга қарши халқ ҳаракатида Низомидин Хўжаев Убайдулла Хўжаев ва Мунавварқори Абдурашидхонлар билан бир сафда бўлди. Айниқса, мардиқорликка юборилаётган одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва халқ қўзғалгани бостиринида амалга оширилган ваҳшийликларини фоти этишда, ноҳақ

жазоланаётган инсонларни озод қилишда қатнашади.

Шунингдек, Н.Хўжаев Туркистонда жабид газети ва журналларининг омма орасига тарқалишида беиннат хизмат қилади. Унинг кўмаги билан 1917 йилда Тошкентда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида "Турон" газетаси дунё юзини кўради. Мазкур газетанинг кейинги сонлари эса Низомидин Асомиддин ўғли муҳаррирлигида chop этилган.

Шунингдек, Тошкентдаги кечки пединститут ўқувчиси Арслон Валиев: "... Н.Хўжаев жабид эди ва у Бухорода Девонбеги мадрасаси эънида "Биз фақат буздик, ҳеч нарса қура олмадик... зўр усталар ўтиб кетиб қолди. 1917 йилнинг март ойида дастлабки сиёсий уюшма — "Шурои ислом" жамияти тузилади.

Туркистон Мухторияти эълон қилинганида Н.Хўжаев Тошкентдан Қўқонга делегат сифатида ташриф буюради. Тарихдан яхши маълумки, у Туркистон Мухториятининг ҳукумат делегацияси вакили сифатида Уралдаги Дутов ҳукумати билан олиб борилган музокараларда қатнашган. Бироқ Қўқон Мухторияти ҳукумати аъзолари босқинчилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилиди. Низомидин Хўжаев Қўқон совет қизил армияси томонидан тўпга тутилиб, арман дошноқлари томонидан оддий аҳоли қирғини авж олган бир вақтда шаҳардан чиқиб кетишга муваффақ бўлади.

У Туркистонга миллий озодлик бериш тақдирини илгари сурган делегация сафида Москвага ҳам борган эди. Бироқ рус ҳукумати уларнинг талабини тўлиқ рад этади. Шунда ҳам миллий тараққийпарварлар чекиниш нималигини билишмади. Натижада озодлик ҳаракати аъзолари таъқибга учради.

1934 йилда бошланган "қатагон"да Н.Хўжаев ҳам ҳибсга олинди. Унга Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорлик қилган, ашаддий "Эшонхўжаевич"лардан, ЎзССР осори-атиқалар кўмитаси раҳбари сифатида масжидларни асраш, "Темур даври ёдгорликларини" асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратган деган айбловлар қўйилади. Бундан ташқари, уни "Ғарбда ҳам террор, бизда ҳам террор, нима фарқи бор, битта Кировни деб юзлаб одамлар отилмоқдалар", деган гапи учун "Киров иши" бўйича ҳам сўроқ қилишади. Низомидин Хўжаев 1934 йилнинг 25 декабрида қамоққа олинди.

Тергов ишига тикилган айбловларга эътибор берилса, қатор чалқашликлар борлиги, Н.Хўжаевнинг ёлгон, тухмат ва бўхтонларга дуч келгани маълум бўлади. Жумладан, 1936 йил 6 январь кун Шокиржон Раҳимий томонидан берилган гувоҳликда: "Н.Хўжаев сўнги уч-тўрт йилда ўзи ишлаётган тарихий ёдгорликларни сақлаш кўмитасида катта ишларни амалга

оширган. Жумладан, "Юнусхон" номли китоб chop этириб, Шайхонтоҳур обидасида беэза ишларини олиб борди. Самарқанд ва Бухородаги масжидларни ободонлаштиришга интилди. 1933 йил уни А.Икромовнинг қабулида қўрган эдим. У республикада мавжуд тарихий ёдгорликларни асраб қолиш юзасидан тақдирлар билан келган сонлари эса Низомидин Асомиддин ўғли муҳаррирлигида chop этилган.

Шунингдек, Тошкентдаги кечки пединститут ўқувчиси Арслон Валиев: "... Н.Хўжаев жабид эди ва у Бухорода Девонбеги мадрасаси эънида "Биз фақат буздик, ҳеч нарса қура олмадик... зўр усталар ўтиб кетиб қолди. 1917 йилнинг март ойида дастлабки сиёсий уюшма — "Шурои ислом" жамияти тузилади.

1936 йил 7 январь кунги сўроқ баёни ҳам қизиқ. У терговчининг саволларига қуйидагича жавоб қайтаради:

"... Блокнотингизга ёзилган 1920 йилларга оид эсдаликларни нима учун сақлаб қўйгансиз?"

— Мен "тарих" ёзмоқчи эдим. Шу воқеаларни шунинг учун текшириб юраман.

— Ёлгон гапиряпсиз! Терговга бошқа маълумотлар ҳам маълум!

— Ҳа, мен советларни колонизаторлар деб билар эдим ва ҳар доим уларга қарши кураш позициясида турганман", деб рўй-рост айтади.

Н.Хўжаев уюштирилган ва унга нисбатан амалга оширилган ваҳшийликлар, тақдир ва азоблар исқанжасида ишни тезроқ ёпишларини сўраб, айблов ҳужжатларига мажбуран имзо чеккани тарихдан маълум...

1936 йил 25 январь кун Юсуф Алиев билан юзлаштиришда Н.Хўжаев: "Ҳа, Мунавварқори оддий ўқувчи эмас, у буюк сиёсатдон эди ва мен уни ҳаммиса ҳурмат қилганман", деб сўзини якуنлайди.

Н.Хўжаевни 1936 йил 15 март кун 3 йилга Киров вилоятига сургун қилишга қарор қилишади. Бироқ, орадан бир йил ўтмай жазони ўташ даврида унинг устидан яна асосиз иш қўзғатилади. Уни кўролмаган, чет душманга сотилган одамлар томонидан ўйлаб топилган айблов натижасида унга узок муқаддлати қамоқ жазоси қўшиб берилади. Аммо Низомидин Хўжаев 1942 йил 5 апрель кун Халтурник шахридаги жазони ижро этиш колониясида сирли равишда вафот этади...

Ўрганишлар жараёнида Н.Хўжаевнинг турмуш ўртоғи Фотихий Абдурахмон Қири, Армуғон, Адиба исмли қизлари, Наримон ва Мушаввир исмли ўғиллари бўлгани маълум бўлди. Ҳозирги кунда Н.Хўжаев яшаган маҳаллада унинг номини абадийлаштириш, авлодларини сўраб-суриштириш ишлари олиб борилаётти.

Жобир ХУҲАҚУЛОВ, журналист.

### ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

#### ТАНҚИД УЧУН ИШДАН БЎШАТИЛДИ

**АҚШда муҳолифатдаги россиялик блогер Алексей Навальний танқид қилгани учун ишдан бўшатилади. Россияда чет эл агенти сифатида тан олинган АҚШнинг "Айни вақтда" давлат каналининг эфирда журналист Навальнийни хотинининг отасини махсус хизматларга алоқадорлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинганлиги сабабли уюштирган таъқиблири учун танқид қилинди.**



Журналистнинг баёноти канал раҳбариятига ёқмади. Натижада мухбир ишдан бўшатилади. Бугун ижтимоий тармоқларда бу Америка услубидаги "сўз эркинлиги" писандла қилинмоқда.

#### ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ




**Бразилияда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан шикки ярим тоннадан ортиқ кокаин йўқ қилинди.**

Бу Рио-де-Жанейро шаҳарида йўқ қилинган тоза наркотикларнинг энг йирик партияси эди. Полиция маълумотларига кўра, хавфсизлик кучлари эътиборини омор атрофидаги шубҳали ҳаракатланиш жалб қилган, у ердан гиёҳванд модда ғишт тарзида доимий равишда олиб чиқилган.

#### ИККИ МИЛЛИАРД ЮЛДУЗЛИ ХАРИТА

**Олимлар бизнинг галактикамизнинг энг мукамал 3D харитасини туздилар. Унга деярли 2 миллиард юлдуз қиради! Улар Европа космик агентлигига тегишли Гаия космик телескопи орқали барча керакли маълумотларни туپлашди. У 7 йилдан бери космосда бўлиб, турли хил нарсаларни, шу жумладан, қора туйнуқларни қузатишга имкон бермоқда.**



Телескоп ёрдамида олимлар осмон jismlarининг жойлашишини аниқ аниқлашга муваффақ бўлишди. Шунингдек, тадқиқотчилар биринчи марта Қўёш системасининг ўз орбитасида галактика марказига нисбатан йиллик тезлашишини оптик ўлчов натижаларини тақдим этдилар.

#### ЯПОНИЯДА ЭНДИ БЕНЗИНСИЗ ИШЛАЙДИГАН АВТОМОБИЛЛАР ЮРАДИ

**Япония Иқтисодиёт, саноат ва савдо вазирлиги аънавий ёнғиш дегадентлари бензин ва дизел ёқилғисидан ишлайдиган янги автоуловларни сотишни тақққламоқчи.**



2030-йилларда Японияда дизел ва бензин билан ишлайдиган автомобиллар бўлмади. Бироқ ҳукумат атмосферага зарарли моддалар чиқиндиларини камайитириш бўйича ҳали аниқ чоралар қўрмаган, аммо буни 2020 йил охиригача амалга оширишга ваъда берган. Ўз навабатида,

белгиланган санага қадар автосалонларда фақат электромобиллар, шунингдек, гибрид транспорт воситалари ёки водород ёқилғисиданги автоуловлар бўлиши хабар қилинмоқда.

Япония яқин 30 йил ичида зарарли газлар чиқиндиларини бутунлай йўқ қилишни режалаштирмоқда.

Хорж янгликларни асосида Г.МАТЎҒУБОВА тайёрлади.

### ОФРИҚ

**Чилонзор метроси ёнидаги "уй бозори"га яқинлашсангиз, оёқлангиз из сизга шуъла каби йўл кўрсатади. Ичкарилаймиз. "Студентларга аренда йўқи", "Студентга уй берилмади", "Студенткам не сдам"... ёзувли қоғозларни бўйнига илган "маклер"лар фуқароси ҳолидан хабар олишга чиққан ҳукмдордай одамлар арз-ҳолини тинглаяпти. Таълим муассасасидан ётоқхона тегмаган, Тошкентдек шаҳри азиямда ҳеч кими йўқ талабаларнинг кўзлари умидсиз жовдираб, ён-атрофга илинж излаб термулади. Зора, жонига оро қирадиган кимдир топилса...**

Университет талабанинг дардини эшитмайди. Ахир имзоланган шартномасида таълим муассасаси "сени турар-жой билан таъминлайман", деганди! Ҳужжатда унақа банд бўлмаганидан кейин, айб университет буйнидан соқит қилинади. Талаба чин етим ёки ярим етим бўлмаса, оиласида бир ўзи шартнома асосида ўқияпти, шуқри, ногирон ҳам эмас. Унинг ягона хатоси вилоятдан келиб пойтахтга ("бегона"-дек) ўқишга киргани ва олам-олам орзулар қилгани. Бу ёғи пешанадан, ҳозир қийналсам, ҳали роҳатини кўраман, деган талабалар умид билан уй бозорида тентираб юрибди. Бу ерда 3-4 кундан буён дарсларга қатнашмаётганлари ҳам бор, турғи-да, аввал "бошлана" қилиб қўйиш керак, ўқиш эса... кейин ҳам бўлаверади...

Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 12 ноябрдаги йилгили қарорига мувофиқ, барча олий таълим муассасаларида жорий йилнинг 16 ноябрдан фақат биринчи ва тўртинчи босқич талабалари учун ўқишлар аънавий тарзда давом этмоқда. Олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва режа-график асосида иккинчи ва учинчи босқич талабалари ҳам "офлайн" дарсларга қайтиши айтиб ўтилди.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда толиби илмлар учун ётоқхона етишмаслиги, университет раҳбарияти бу борада ноҳақлик ва адолатсизликларга йўл қўётгани, ёшлар ижара уйида қийнашгаётгани ҳақидаги хабарлар сонини кўриш ортиб бормоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида узок вилоятлардан келиб ўқиётган талабаларнинг қимматли вақти арзон ва ўқишга яқин жойдан уй излаш ёки уйдан уйга кўчиш билан ҳавога совурилмоқда. Кўп-

## Талабаларга жой йўқ СДАМ ЧОРАСИЗЛИК ЧОРАМИ?

— Комнатную квартиру с мебелью на длительный срок семейной паре в г.Строитель, 5-ое Августа, дом.15. автобусная остановка, дetsад, магазин, боляница

чилик қатори ўзим ҳам бу муаммонинг гувоҳиман. Шу пайтгача пойтахтнинг бирон бурчаги қолмадики, ижара уйи қидириб, кезмаган бўлсам, уй бозорининг бирон "маклер"и қолмадики, бориб уй сўрамаган, кўчада қолиб кетдим, деб, дардимни дoston қилганам бўлсам. Қанчалаб маҳалла нозирларига "ака, сиз ҳам талаба бўлгансиз, бизни тушунасиз-ку, келинг, ёрдам қилинг...", деб ялиниб, баъзан жарима пулидан қутилиб қолганман. Ижара уйда тинчгина яшагаша "хозяин" кўнмаса (солиқлардан хавфсизрайди, чамамда), бошқа ҳолатда ижара уйи бўлмаса, нимаям қилардик биз талабалар...

— Қишлоқдан келиб ўқийдиган қўпуну деҳқонларнинг болалари учун ҳам ётоқхона қуриш керакка ўхшади. Шароитлари зўр, "люкс" бўлиши шарт эмас! Сув, электр энергияси ва газ бўлса етарли. — дейди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси Рамзиiddин ТҮЙЧИЕВ.

Тўғри айтасиз, ака! Талаба "бечора"га 4 девор ва томи бўлган бошлана бўлса етарли, қолганини ўзи амаллайди, буёғига ўзини эплаб кетади. Лекин... — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги аниқ лойиха ишлаб чиқиб, юртимизда ҳам талабаларнинг 60-70 фоизини қамраб оладиган ётоқхоналар қуриши керак. Шунда талабалар турар-жой қидириб сарсон бўлмайди. Кўча нархидан кўра анча арзон жой билан таъминланади. Ётоқхоналарда қўшимча хизматлар жорий этилиши ҳисобига эса таълим дароҳлари ҳам қўшимча даромадга эва бўлади, — дейди ўқиш жойи сир тутулишини истаган талаба Бахтиёр ҚҮРБОНОВ.

Биргина Тошкент шаҳрида одатий ижара уйлари нарх-навоиси билан қизиқдик. Олий таълим муассасасига яқин ердаги ҳовлиларнинг бир киши учун бир ойлик ижара нархи 300 минг сўм (бир ҳовлига ўнлаб талабаларни жойлаштиришда), худди шу ҳолатда қўп қаватли уйлар эса бир кишига ўртача 500

минг сўмдан тўғри келаркан. Университет ётоқхоналари нархи эса ўртача 180 минг сўмдан 230 минг сўмгача бўлади. Бу вазиятда талаба ётоқxonани афзал қўриши табиий.

Ижтимоий тармоқлардаги фикрларни ўқиб, талабаларга ётоқхона қуриладими, қурилса қачон ишга тушади ва шу каби масалаларга ечим топиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига йўл олдик. — Дунёнинг исталган олий таълим муассасасини олинг, талабаларини тўлиқ турар-жой билан таъминламаган. Чунки бунинг имкони йўқ. Талабаларнинг ҳозирги аҳолидан биз ҳам хабардормиз. Жим турганимиз йўқ, албатта! — дейди Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқарма бошлиги Аҳор МУСТАФОЕВ. — Биз доим эҳтиёжизмиздан келиб чиққан ҳолда, керакли маблағни ҳисоблаб, Молия вазирлигига тақдим қиламиз. Лекин бюджетдан кўзда тутилган маблағнинг учдан бир қисми ажратилади. Хусусан, жорий йилда ҳам жами 458 миллиард сўм микдордаги маблағга эҳтиёж борлигини билдирган бўлсам, бизга давлат бюджетидан 141 миллиард сўм ажратилди.

Аҳор аканинг таъйидида, 2020 йилда Чирчиқ давлат педагогика институтига 400 ўринли, Самарқанд давлат университетига 200 ўринли, Термиз давлат университетига 400 ўринли ва Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетида 600 ўринли талабалар турар-жойи фойдаланишга топширилган. Ҳозирда республика бўйича яна 67 минг ўринли 164 та талабалар турар-жойи қуриш дастури ишлаб чиқилди. 2021-2025 йилларда давлат-хусусий шерикчилик асосида талабаларнинг турар-жой билан таъминлаш масаласини ошириш бўйича мақсадли курсаткичлар лойиҳаси амалга ошса, 2025 йилгача талабалар талаби маълум маънода қондирилиши кўзда тутиляпти. Бунинг учун ётоқхонани тадбиркорлар қуриши, уларга ер текин ажратилиши, тижорат банкларида имтиёзли кредит берилиши ҳамда мажбурий тўловлардан озод этилиши айтилмоқда. Маълумот учун, айни кунда республика бўйича 225 та талаба-

лар турар-жойи мавжуд бўлиб, жами 60 мингга яқин ўринга эга.

— Япония ва Жанубий Корея таърибисига ўрганиб, тахлил қилиб, амалиётга жорий этмоқчимиз. Тадбиркорларга бу борада бир қатор енгиллик ва имтиёзлар берилса ҳам, кўпчилиги иккинчи турлида. Чунки 400 ўринли 1 та ётоқхона қуриш учун 18-20 миллиард атрофида маблағ сарфланади. — дейди А.МУСТАФОЕВ.

Давлатнинг келажаги қандай бўлиши фуқароларининг олган таълим-тарбиясига боғлиқ, деган гап бор. Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида экан, уларнинг таълим-тарбия олиши учун инвестиция қилинишидан асло қўрқмаслигимиз лозим, деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган японияликлар бор-буди, ҳатто аёлларнинг тақинчоқ ва зеб-зийнатларига ҳам давлат ҳазинасига топшириб, маблағни ёшлар таълим-тарбиясига йўналтирган экан. Япониянинг чекка қишлоқларида бирида яшовчи қизалоқнинг уйдан олис масофадаги мактабда таълим олиши учун темир йўл қуриб берилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ёки Нидерландия давлатида чекмайдиган усумрларга ойига 200 евродан пул тўланишига нима дейсиз? Буларнинг барчаси келажақ авлоднинг соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етиши учун ўйланган чора-тадбирлардир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили бежизга Япония таърибисига алоҳида ургу бермади, чамамда. Чунки бу давлат талабалари университет уйининг ёнида бўлса-да, ётоқхонада туриши афзал қўраркан. Нархи арзон ва чалғимасдан қўйиб-ўрганиш учун бу ерда барча шароит муҳайё қилинган...

Бизда ҳам лойиҳа ишлаб чиқирилиб, амалиётга таъбиқ этилса, талабаларни қийнаётган турар-жой масаласига ечим топилиб, уларнинг бор диққат-эътибори фақат ва фақат ўқишга қаратиларди. Шунда бугунги аччиқ гаплар ҳам энтиқиб ёдга олинмаган хотирага айланади.

Абдулазиз АХМЕДОВ



## “Сурхон Саноат Қурилиш”

**компанияси яқинлашиб келаётган  
Бош Қомусимиз қабул  
қилинганлигининг 28 йиллиги  
муносабати билан барча  
юртдошларимизни самимий  
муборакбод этади!**

Бизнинг бош компаниямиз 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг қошида жами 26 та ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар мавжуд. Компания таркибидаги энг кичик корхона бу — “Термиз Таъминот” саноат қурилиш таъмирлаш хусусий корхонаси ҳисобланади, у 2004 йилда ташкил этилган. Шундан сўнг, давр шиддат билан тараққий этиб борди, янги инновацион ғояларни амалда татбиқ этиш куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Шароитдан келиб чиқиб, янгиланган технологиялар асосида жиҳозланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналаримиз сони кун сайин ошиб борди. Эндиги вазифа, барча кичик корхоналарни ўзида жамлаган, яъни бирлашган ташкилотга эҳтиёж туғилди. Шу тариқа, “Сурхон Саноат Қурилиш” компанияси ташкил этилди.

Бизнинг асосий фаолиятимиз — Сурхон аҳолиси учун турар-жой бинолари, ишлаб чиқариш объектларини қуриш, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш, юқори сифатли гранитлар қазиб олиш ва ишлов бериш, бундан ташқари,

лойиҳалаштириш ва мукамал ишланган архитектура дизайни ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ҳозирги кунда Сурхондарёда оддий қамишдан ДСП маҳсулоти ишлаб чиқарилаётгани, деса кўпчилик ишонмайди. Аммо бу рост. Термиз шаҳрида ДСП ишлаб чиқарадиган заводимиз бор. Завод 2017 йилнинг сентябридан бошлаб оддий қамишдан йилга 30 минг м<sup>3</sup> сифатли ДСП маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Айни кунларда, бизнинг ДСП маҳсулотларимиз қўшни Афғонистон ва Тожикистон Республикаларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Орадан бир ой ўтмай ДСП маҳсулотини силлиқлаш ва ламинациялаш лойиҳасини ҳам амалга оширдик. Эндилда корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр ДСПдан исталган турдаги мебель маҳсулотини тайёрлаш мумкин. Бун тўғри англаб, компания таркибида ДСПдан мебель ишлаб чиқариш фаолиятини ҳам йўлга қўйдик.

Энг муҳими, ишлаб чиқаришнинг 90 фоизини маҳаллийлаштиришга эришдик. Бир сўз билан айтганда, оддий, ёввойи қамишдан замонавий, қулай меbellар яратилмоқда.

**Мамлакатимиз ҳуқуқий асосининг  
тимсоли бўлган Конституция байрами  
билан яна бир бор табриклаймиз!**






БИР АСАР ТАРИХИ

Хар бир миллий адабиётда вақти-вақти билан шундай асарлар пайдо бўладики, уларнинг аҳамияти таркибидаги бадиий, эстетик, маърифий қиммат билангина эмас, балки, биринчи галда, жамиятга кўрсатилган катта ижтимоий-сиёсий таъсири билан белгиланади. Муҳаббат ва нафрат, ҳақ ва ноҳақлик, имон ва рийъ каби алоҳида мавзулар бўрттириб марказига чиқарилган, маълум гуруҳ ёки ёшдаги кишилар танлаб (таъбиға қараб) ўқиш мумкин бўлган китоблардан фарқ қилароқ, бу асарларни бутун миллат – ёши ва жинси, жамиятдаги макъеи ва вазифаси, дунёқараш ва савиясидан қатъи назар – ўқимоғи, анелашга уринмоғи ва дил-дилдан ҳис этмоғи керак бўлади. Чунки бундай асарларда айни халқнинг муҳим бир тарихий босқичдаги аҳвол-руҳияси, маънавий-имоний қиёфаси ва тахминий келажакга яхлит ҳолда ўз аксини топади. Энди бу тақдир биргина инсон ёки оиланики эмас, бутун миллат ва мамлакатники экани билан диққатни ўзига тортади. XX аср бошида ўзбек адабиётида бундай асарни Абдулла Қодирий битди ва унга “Ўткан кунлар” дея тағдор ном берди...

# “ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР” “ЎТКАН КУНЛАР” НИНГ ДАВОМИМИ?



Орадан роппа-роса етмиш йил ўтиб яна бир миллат китоби — Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи дунёга келди. Бу асар Юсуфбек ҳожи башорати рўйга чиқишидан, яъни Қумушбиби ўлган сана — 1853 йилдан муқаддима олиб, то миллатимиз мустақилликка эришгунга қадар ҳукм сурган истиб-донинг 130 йиллик тарихи ва табиатидан ҳикоя қилади.

“Отамдан қолган далалар” сахнага яқка шахсни, айрим инсонлар характерини эмас, балки инсон қиёфасига синдирилган, яна ҳам тўғрироғи, инсоний қиёфа ўрнини эгаллаб олган, одам боласини, бутун бир миллатни ўзи тўғрисидаги тушунчадан маҳрум этган тузумлар, мафкуралар, даврлар характерини, руҳияти, мақсад ва моҳиятини ҳам олиб чиқди. Худди шу туфайли романининг асосий қахрамонлари исми ордин битта одамни эмас, камда битта тузумни, камда битта миллатни, камда битта мафкурани излаш тўғрисида бўлади ва бунга муаллиф ҳам очик ишора қилади.

“Оқподшо бетини кўрмайин-да, куймайин-да” деб хос, покиза даласини тўғрига қўйиб бериб, тоққа чиқиб кетган ва у ерда ҳам кучи кетмон чопишгагина етган Жамолдин ва Саломдинлар XIX аср иккинчи ярми Туркистоннинг;

“Эл-юртаг шундай деб айт. Эл-юрт қизиллар ифосига учмасин. Мен қизилларни битта кўймай қираман” дея ёв билан эркакларча курашиб, бугдўйзорда ўлиги қолган Акраб (Чаён) XX аср бошидаги Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг;

ҳаёти тўғрисидаги ҳар бир ҳикоясини “болаларим”, “юртим”, “уйим” ёхуд “мен” деган тушунчалар, инсон кадр-қиммати англатувчи сўзлар билан эмас, балки нуқул “далаларим”, “ғўзаларим”, “қўсақларим”, “бечиринди гўнг” дея бошлайдиган, Сурхондарёда яшаб туриб хурмо билан помидорнинг фарқи бормайдиган зурёд — келажак ўстираётган, охир-оқибат ўз нажасини еишга мажбур этилган Деҳқонкул XX асрнинг 30-80 йиллари мардумларининг йиғма, яхлит исмлиридир. Оқподшо, Кайшовский, Успенский, Полтарацкий, Қизил, Клара Ходжаевналар эса кўзланган мақсад-манфаатга қараб турфа шамойилга кирган манфур тузум, сиёсат ва мафкуранинг хос номлари.

Мунаввар Қори, Бехбудий, Фитрат синглари маънавий оталари маҳв этилган юрт болаларини мўкин инсоний исм ва қиёфасиз, эътиқод ва маслага сароб бўлиши Кимё, Физика, Жўрофия синглари “устозлар” тарбиялайди. Сабқоқ берилганидан жой эса на мактаб, на-да мадраса, балки тўрт томони пахтазор, кимёвий захарланган дала. Инсон, бола руҳини уйғотиши лозим бўлган Адабиёт бўлса (бу энди фақат мактабдаги фан эмас!) Директор (фақат юқорининг кўрсатмасини бажариш учун кўйилган маҳаллий ҳокимият)нинг буйруғига кўра “чоққиллаб” бориб, Зиёдин (ЗИЁнинг деб ўқинг!) “елкалари оша, беллари оралтириб” уриш учун ғўзапоядан хивич тайёрлаб бериб туради...

“Кунда” романи муҳокамасига бағишланиб “Вопросы литературы” журнали (1987 йил)да ўтказилган давра суҳбатига “Агар Маркс “Дин — халқнинг афюни” эканини ўзича исботламоқчи бўлган бўлса, Чингиз Айтматов ушбу романида афюннинг халқ учун дин — эътиқод бўлиб бораётганини кўрсатди” деган мулоҳаза айтилган. Агар “Отамдан қолган далалар” романида марказга чиқарилган гоёни қисқа ва аниқ ифода-лаш талаб этилса, бемалол айтиш мумкинки, Тоғай Мурод бу асари билан кадрисилантирилган, мажбурий онг ва тафаккур эш бўлмаган қора меҳнат халқ учун ҳам дин, ҳам афюн бўлиб қолиши мумкинлигини исботлади, жонли намойиш қила билди. Бобоси ва отасидан фарқ

қилароқ, асарнинг марказий қахрамони Деҳқонкул бирор мартаба Аллоҳнинг номини-да тилга олмайдди, намоз ўқиш, қалбан ибодат қилиш тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ўз яратувчисини танимаган, унга эътиқод қилмаган, танимоғи ва эътиқодли бўлмоғи учун фурсати қолдирилмай, меҳнатга қўлдек боғлаб ташланган инсоннинг ўзини танимоғи, ўзига эътибор қилмоғи душвор экани романда бутун даҳшати, баъзан эса, ҳатто натуралистик даражадаги кўринишлари билан намойён бўлади. Шу нуқтага назардан айтганда, агар Энгельс ўзининг ғалати машҳур асарида “Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг ролни” ўзича исботламоқчи бўлган бўлса, Тоғай Мурод бу романи билан бунинг айнак аксини — одамнинг онгсиз, нафсониятсиз, ҳуқуқсиз маҳлуққа айланишида яна ўша меҳнатнинг “улуши”ни бўрттириб кўрсатади.

Романи ўқигач, халқ оммасининг тарихий тараққиётдаги ўрни (бу ерда сиёсий, ҳуқуқий, маънавий маданиятнинг қайси поғонасида турган халқ тўғрисида гап кетаётгани эътиборга олиниши зарур, албатта!) тўғрисида ҳар қанча тўқиланиб гапирилмасин, барбир тарихни, тараққиётни ШАХСЛАР (бу — бир-икки одам дегани эмас, асло!) бошқаришига яна бир қарра амин бўламиз. Барча мустабид тузум ва унинг “доҳиллари” кўтарган байроқда, бир шир — ё ошқора ёхуд пинҳона — албатта, бўлади: жамиятдан шахсларни йўқотиб! Гитлер фашистик режимининг, Сталин диктаторлик тузумининг шахсларга қарши олиб борган қатлиомларини эсланг. Зеро, шахсиз оммани хоҳлаган шаклга солиш, инсталган кўйга мўқом қилдириш мумкин.

Эътибор берсангиз, романда Номоз исмли шахс оломонни бир муддат ҳақни билишга, Аллоҳни танишга, миллий гурурини англашга чорлайди. Халқни мустабидлар истибодига қарши курашга даъват этади, бу улуг курашнинг олд сафларида унинг ўзи боради. Рухланган омма босқинчилар устидан муваққат ғалаба ҳам қозонади, майдонларда байрам ҳам қилади. Бироқ Номоз жисмонан маҳф этилган (унинг ҳам “сопи ўзидан чиқарилади!”), ҳаммаси яна ўрни-ўрнига тушиб қолади. Кечагина масжид майдонига ғазовотга чиққан эл бирдан пилдир-пис бўлиб, “тарих гилдирагини айлантриш”дек “улуг юмуш”га яна юввошгина бўйин этади, жуда нари борса кейинроқ, қора меҳнатдан пича ҳоли дамлари “оқподшонинг зулми тўғрисида”ги кўйиш ва термалар, тарихлар тўқишга ўтиради...

Биз ҳозирга қадар романнинг гоёвий пафоси билан боғлиқ айрим мулоҳазаларни айтдик. Хўш, айни дарднинг реаллашуви, иҳзор жараёни қандай кечади, ўқувчига берилаётган сезим нималар эвазига кўчада, асарнинг шу жанрда ёхуд айни мавзуда ёзилган бошқа асарлардан фарқли жиҳатлари қаредра, бадиий янгилиги ниманда?

Бу саволларга асардаги биргина компонент — қахрамон масаласининг қандай ҳал этилганини кузатиш орқали жавоб изласак.

“Романининг қатъий талаби — бевоситалик, — дейди испан олими Ортега-и-Гассет. — Персонажнинг қандай экани ҳақида менга сўзлаб берманг, мен унинг ўзини кўришим керак. Роман қахрамонларининг ҳаёти тўғрисида гапириб бериш эмас, бу ҳаётни намойиш қилмоқ лозим... Қаршимизда нарсаларнинг ўзи турса, шунда улар тўғрисидаги изоҳга ҳожат қолмайди. Қахрамонни изоҳлаш (характерлаш)га уриниш романнависнинг асосий хатосидир” (Қаранг: Хосе Ортега-и-Гассет. “Мысли о романе”. “Вопросы литературы” журнали. 1991 йил февраль сони, 100-саҳифа.)

“Отамдан қолган далалар” қахрамонни айни шундай — бевосита кўрсатиш йўлини қатъий тутган, тас-

вирга таҳлил синдириш принципини роман услуби даражасига олиб чиққан асардир. Асар биринчи шахс — бош қахрамон тилидан ровийлик қилиш шаклига қурилган бўлиб, бундаги бевоситаликка ҳаттоки муаллиф ҳам даҳл қилолмайди. Ҳикоянинг бу тарзи адабиётшуносликда муайян ноқулайликларга, чекланишларга олиб борувчи йўл ҳисобланса-да, айни романнинг қахрамони руҳи мантиқи, ўзига талаб этадиган очиш-очиш усулининг энг самаралиси шудир. Негакки, Деҳқонкулни бафуржа ўйларга толдириш, ўз-ўзини, ўтаётган умрини таҳлил этишга-да вақти йўқлигини бўрттириб кўрсатиш учун орага бошқа ҳеч қандай ҳақрамоннинг мудроқ ўзлиги ҳам аралаштирилмайди.

Хўш, юзак қараганда фақат воқеаларнинг ташқи баёнидек туюладиган бу йўлда инсон руҳиятини, унинг ички коллизияларини бериш мумкинми? Тоғай Мурод бунинг мумкин эканини ўз романида яна бир бор исботлади.

Хусусан, муаллиф худди психоналитикларга ўхшаб ўз қахрамонни бемалол сўзлашга, ҳаётини бафуржа ҳикоя қилишга қўйиб беради. Қолаверса, Деҳқонкул руҳий нуқтаи назардан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам нормадан тойган, тойдирилган бўлиб, ў муҳим-номумҳимлигини жиддий ўйлаб ўтирмай, ўзи учун қизиқ туюлган воқеаларни бир бошдан гапириб беради. Шу ҳикоя асосида Сиз бу ижтимоий беморнинг қизиқиш, қониқиш, нафратланиш, орсую армон ва яна ўнлаб қалб қатламлари би-



лан танишиб, яхлит, ҳозирга қадар бадииятда учрамаган қисматни ўзини ўзича кашф этасиз. Илмий-руҳий таҳлилда бу усулдан биринчилардан бўлиб машҳур руҳшунос Зигмунд Фрейд фойдаланган эди. Ўз устози тўғрисидаги китобида Фриц Виттельс ушбу жараёни шундай тасвирлайди:

“Беморлар кўпинча ўзларининг сергапчилиги билан, маълумотлар сели билан бизни қўйиб ташлашади, бунга қарши қандайдир тўсиқ ташлашга биз доимо беҳуда уринаемиз. Оғзидан гапини олишга улар ҳеч имкон беришмайди ва бизга, тинчгина ўтириб, маккорона диққат-ла уларни тинглашдан ўзга чора қолмайди. Бошқалардан кўра биз — психоналитикларга яхши маъ-

лумки, инсон ўзининг асл фикр ва туйғуларини яшироқ ниятида тилни кашф этган. Шунинг учун биз беморнинг нимани гапирётганига эмас, нимани гапирмаётганига, нимани қайта-қайта айтаётганига ёки нимани алоҳида ифодалар билан баён қилаётганига кўпроқ қўлоқ тутамиз, диққатни қаратамиз”. (Қаранг: Фриц Виттельс. “Фрейд. Его личность, учение и школа”. Л.: “ЭГО”, 1991 йил, 92-саҳифа.)

Биз ҳам худди шу алфозда Деҳқонкулга қўлоқ тутсак, у даласи, ғўзаси, қўсақлари, солган дорилари, баҳмални пайтава қилиб ўраши, шялла кийиб олиб телевизордаги хо-рижий давлат президентига тақдид қилиши ва бошқа қиёяларни айтиш билан нималарни айтмаётгани, “айланиб кўйай-айланиб кўйай” ёки “қизил-қизил” деб тақорлаши, уни турмадан далалари қайтариб келишига урғу бериши билан нималарга, яна қандай фожиаларга ўзи билиб-билмай ишора қилаётганини англаш мумкин бўлади. Хусусан, романдаги бобчаларнинг ақсарияти мана шу таҳлил муқаддима олади ва бундан биз бош қахрамоннинг фикр доираси, руҳ қўламини, қизиқиш ва қадри тўғрисида, у билан содир этилган мажруҳлантиришнинг аччиқ натижалари ҳақида реалистик ҳулоса оламиз:

“Ўғзаларим қирқ қўнлик бўлди. Ўғзаларим қирқда сувсади...” (Деҳқонкулнинг аёли бўлса уйда, оғирроқ ҳолида, қўлаб тушган деворни тиклаш учун захда лой қоримқода!)

“Далаларимда ассаломалайкум



билан чирмовуқ тоши.

Мен йигирма кило пентахлор-фенол билан беш ўз кило сув аралаштирдим...” (Деҳқонкулнинг синфдош дўсти Зиёдин сепилган дори захарлаб, бевакт жувонмарг қилган!)

“Уйнаб кўйай, янги техникаларидан ўйнаб кўйай!

Ким қанча йилдирким, хўжалигимизда КХУ-4 дегич янги техника бор отанга бўлади, бор онанга бўлади...” (Деҳқонкулга гўё мукофот тариқасида ажратилган мотоцикл учун унинг йил — ўн икки ой ишлаб зўрға топган ҳақидан отининг қалласидай қилиб босиб қоладилар!)

“Ер ҳансиради. Ўғзаларим барги оч-оч ашил туслана берди.

Тоғай Муроднинг мазкур романи халқимизнинг ўз-ўзини танишида, мустақиллик ва истиклол аталмиш неъматининг қадрига етиши ва уни асраб-авайлаш йўлидаги курашида бекиёс ва ўзига хос роль ўйнаши шубҳасиздир. Зеро, ёзувчининг ўзи айтмоқчи: “Кўнглимда эл-юртим йўлида нимаики дардим бор — барини ушбу романда тўқиб солдим”.

Бу дард фақат ёзувчи — биргина ўзбекнинггина эмас, балки бутун миллатнинг, халқнинг дарди, дил изхоридир.

... Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и эса фақат тарихий роман эмас, балки 20-йиллар Туркистон учун жуда-жуда замонавий роман ҳам эди.

Ўғзаларим барги кўнғир-кўнғир доғ бўла берди.

“Ўғзаларим очқайди...” (Деҳқонкул уйига келиши қутилаётган “катталар” — меҳмонлар учун охириги сўмларига бозор қилиб келади. Очиққан, мева егиси келган болаларидан бири қўлаига кирган бир донагина хурмони олиб, урра қоचाди. Отаси бўлса, ўз боласининг ортидан қўлаб, тутиб олиб уриб, оғзи-бурнини қонга берайди!)

“Мен далаларимни айланиб-айланиб қарадим.

Мен шоналаримни кўзим билан санаб-санаб қарадим...” (Уйда бўлса, Деҳқонкулнинг хотини умри бино бўлиб қўшни вилоятдаги хушманзара жойга-да боролмаганидан ўқиниб-ўқиниб йўғлайди!..)

Ёки романдаги биргина “қизил” сўзига синдирилган ботиний мазмунни олайлик: Оқподшо бўйинсунмаганларни жазолаб Туркистон улқасини қип-қизил қонга ботирди; бошқаша қизил байроқ кўтариб келди, унинг деворга осян сўзанаси-да қизил, айтаётган гаплари-да қизил эди; Акрабини (Деҳқонкулнинг отасини) “қўлоғи қирқта бўлган” қизиллар таъқиб этдилар, ниҳоят, шу қизиллар унинг бошига етишди; Деҳқонкул қизил мактабда ўқитилди, қўш қип-қизариб ботгунча бутифос сепилиб қизариб кетган далада пахта терди; бешинчи синф болалари ичбуруқ бўлиб мактаб футбол майдонини қип-қизил, тўда-тўда қонга тўндириб ташлашди; болаларнинг ичидан қон келиб кетгунча ишлатгани ва қизил мусобақада голиб бўлгани эвазига

воқеалари асосида ёзилган “Лолазор” романидаги Яхшибоевнинг интеллектуал даражаси, муғомбирона мулоҳаза қуввати агар руҳий таҳлилнинг аънавий услубини талаб қилган ва бу талаб айни қахрамон мантиқига мос бўлса, “Отамдан қолган далалар” қахрамони учун айни романда танланган йўл табиийроқ, ишонарлиқроқдир. Яхшибоевнинг хос жиҳати ундаги чуқур ва айёр мулоҳазакорлик, хар бир қадамни жиддий ўйлаб — нафақат шахсий, балки омма, халқ кайфиятини ҳам ўйлашни унутмай ташлаш нияти бўлса, Деҳқонкул фожиасининг асосини ундаги оддийгина инсоний мулоҳаза, шахсий ўй ва тафаккур инқирозга учрагани — қарахлтангани ҳолати ташкил қилади. Шу маънода инсоний моҳиятини йўқолганлиги, моҳиятсизлик — Деҳқонкулнинг моҳиятидир, характерсизлик — унинг характер, қиёфасизлик — унинг қиёфаси, руҳсизлик — унинг руҳидир. Бундай қахрамонни на ровий, на персонаж таҳлидан уюштирилган классик психологик таҳлил усулида очиш, ўқувчига ишонтириш мумкин эди. Уни изоҳлаш, характерлашга уриниш муаллиф қаламини публицистик пафосга олиб кетиб қолган, қахрамон табиатига ўтирмаган, унга нисбатан шубҳа тўғдирган бўлур эди.

Албатта, романнинг бутун фикрий-бадиий фазилатлари тўғрисида батафсил тўхталганимиз имкон ҳам, ихтиёри ҳам йўқ бизда. Қолаверса, “Отамдан қолган далалар” романини ҳар жиҳатдан мукаммал асар, дейиш фикридан ҳам йироқмиз. Айниқса, роман пировардида, Деҳқонкул тергов жараёнида “ичкари”да бўлаётган барча манфур ва маҳфий қилмишларни унга сўзлаб берилиши зўрма-зўрақилиқдан, “фох этиш жавабсиз”дан, публицистик услубнинг осон йўлини тутишдан бошқа нарса эмас. Кўрамизки, қачон қахрамондан, унинг дунёси ва бу дунёнинг мантиқи ва табиатидан йироқлашилса, ётлашилса мана шундай қусурлар келиб чиқаверади. Хуллас, бу ва бошқа бадиий кўзчилликлар тўғрисида батафсил сўзлаш мавриди ҳам, албатта, келар. Бироқ бу қусурларга қарамасдан, Тоғай Муроднинг мазкур романи халқимизнинг ўз-ўзини танишида, мустақиллик ва истиклол аталмиш неъматининг қадрига етиши ва уни асраб-авайлаш йўлидаги курашида бекиёс ва ўзига хос роль ўйнаши шубҳасиздир. Зеро, ёзувчининг ўзи айтмоқчи: “Кўнглимда эл-юртим йўлида нимаики дардим бор — барини ушбу романда тўқиб солдим”.

Бу дард фақат ёзувчи — биргина ўзбекнинггина эмас, балки бутун миллатнинг, халқнинг дарди, дил изхоридир.

... Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и эса фақат тарихий роман эмас, балки 20-йиллар Туркистон учун жуда-жуда замонавий роман ҳам эди. Афсуски, “иттифоқ не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст” кимсалар адиб нидосини тинглашмади ва охир-оқибат Яратгучининг қаҳрига йўлиқиди — Ватан “қизил истибод” остида қолди. Шундай экан, жувонмард Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш қўриш” зарурлиги, шартлиги ҳақидаги огоҳлантиришини халқимиз, айниқса, унинг номидан иш қўриш масъулиятини зиммасига олган вакиллари асло унутмаслиги керак.

...3.Фрейд ҳам ижтимоий, ҳам руҳий хасталикдан қутилишининг ягона йўли — ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ эканини ўқитиб, “СЕНИ ҲАҚИҚАТ ОЗОД ЭТИШИ КЕРАК!” деганди. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи мана шу — ОЗОД ЭТУВЧИ ҲАҚИҚАТ битилган асардир!

Раҳмон ҚУЧҚОР,  
ТДЮУ доценти в.б.,  
филология фанлари номзоди.

УМР ИБРАТИ

# ИЛМ. АМАЛ. ИХЛОС

**Илм мартаба, бебаҳо маҳзина, беқиёс уммон, само юлдузлари билан сирлашадиган музаффар чўққи кабир. Кимки машаққатларни енгиб, сабр-тоқат, ихлос ва амал билан бу юксакликни эгалласа, қадри ва қадди башари бўлади. Зеро, инсонда эътиқод ё атроф-муҳит таъсирида, ёки адабиёт ёрдамида шаклланади.**

Олис Сурхондарёнинг Ангор туманида туғилиб ўсган Абдулла Улуғовни болаликнинг покиза ҳаваслари адабиёт оламига, сўз санъатига ошно қилганлиги рости. Биз ўқувчилик йилларимиз республика ёш адабиётчилар олимпиадасида танишганмиз. Утган асрнинг 70-йиллари, ёш адабиётсеварларнинг жажжи бахслари жуда қизгин ўтар, бир ҳафталик турли адабий синовлар, тоғ-тоғ бахру байлар, шеърхонликлар, болаларча самимий музокаралар, ўша даврнинг улкан алломалари Матёкуб Қўшонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Салоҳиддин Мамажоновларга минг ҳаяжон билан имтиҳон топшириш завқи ўзгача бўларди. Табиатан камтар ва тортинчоқ Абдулла бу бахсларда жуда фаол ва жуда оташин эди. Кейинги "илмий анжуман"гача хат ёзишарди. Янги китоблар, шоир-ёзувчилар ҳақидаги мулоҳазаларимизни ўртоқлашарди. Ёзган иншоларимизни бир-биримизга юборардик.

Касби адабиёт муаллими бўлган раҳматли отам Ҳамидулла ҳожи хаттотлардек ёзарди, ёзувга жуда эътиборли эди, ўзлари раҳбарлик қиладиган мактабнинг кираверишига "Хатининг чиройи" — ўзининг чиройиндир", деб ёздириб қўйганди, Абдуллажоннинг адабий илмини, китобсеварлигини, чиройли ёзувини жуда қадрларди. Дўстимнинг менга юборган иншоларини мактабга олиб бориб, ўқувчиларга кўрсатар, уларни ҳам шундай хушиятда ёзишга ундардилар.

Ҳозирги даврнинг машҳур шоирлари Ҳалима Аҳмедова, Эшқобил Шукур, миллий таълим фидойиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси Шарофат Тошмирзаева, Олий Аттестация комиссияси раисининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Нигора Шарипова, профессор Нигина Шермухамедова, таниқли тележурналистлар Умида Усмонова, Ильмира Раҳматуллаевалар ўша ўқувчилик йилларидаги "олимпиада мактаби"нинг қадригочлари эдик.

Абдуллажоннинг адабиётга ҳаваси талабали йилларида ихлосга айланди. У ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг энг иқтидорли, салоҳиятли бўлажак ёш олимлари қаторида илк илмий тадқиқотлари билан Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов,

Омонулла Мадаев каби устозларнинг эътиборига тушди. Қурдошлар орасида биринчилардан бўлиб ўзбек қиссачилиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади, унда адабиёт ва сўз санъати олдидидаги масъулият ҳисси кучайди. Ҳа, таниқли адабиётшунос олим Абдулла Улуғовнинг илм ва умр йўлларини ихлос ва илмдан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Унинг адабиёт оламида ўз янги талқинлари ва таҳлил тамойиллари бўлгани каби, ҳаётда ҳам бировникига ўхшамайдиган ички мезонлари борки, кўпчиликнинг ҳаваси келади, ёшлар унга ҳурмат билан эргашади.

Унинг илмий тадқиқотларида замонавий адабий-бадиий тафаккурнинг эвристиклари, шаклланиши ва тақомиллашлари, бетакрор белгилари намойён бўлади. Шеърини тадқиқнинг энг тубига қира олган олимнинг кузатишлари ва таҳлилларида чуқур мантиқийлик, туғма идрок билан уйғунлашган илм зақоси ва зиёсини кўради. Бу ёрқин, ҳароратли зиё. Унда сўзни юракдан ҳис қилиш тўғриси кучли. Олимнинг, айниқса, "барча бирдек қабул қиларинмайди"ган шоирлар Абдували Қўтбиддин, Ҳалима Аҳмедова, Азиз Саид ижоди, улар шеърини тадқиқнинг янги адабий-эстетик жараёнлар тадқиқига оид изланишлари диққатга сазовор.

"Абдували Қўтбиддиннинг шеърларида замонавий шеърининг энг илғор жиҳатлари ва ундаги анъанавий хусусиятлари ўзаро уйғунлашади. Айни чоғда уларда шоирнинг ўзгача образлар дунёси бўй кўрсатиб туради. Энг муҳими, шеър сатрларида таъсирчан қалбнинг жүшқин ҳиссиётлари акс этади. Айни ўринларда Абдували Қўтбиддиннинг ўзига хос шорона услуби кўринади. У шеърини кенг қўлланадиган адабий "қолип"лардан қочади ва барча истеъдодли ижодкорлар сингари ўз йўлини очишга интилади. Шу боисдан унинг ёзганлари ҳамма кўнликан шеърлардан шакл ва мазмун жиҳатидан фарқ қилади", дейди олим. Ва шоир шеърининг бошқа ижодкорлардан фарқли томонларини асосли таҳлил қилади. Абдувалининг сўзларида жилваланган илоҳий сеҳрни заррама-зарра кашф этади.

У адабий портрет жанри имкониятларини кенгайтирди, ижодкорнинг ўзига хос услуби ва бадиияти қирралари ҳақида

фиқр юртар экан, бадиий тафаккур таҳлилига фалсафий теранлик бахш этди. Ўзбек адабиётининг Фафур Фулом ("Юксак шеърини жозибаси"), Озод Шарафиддинов ("Мунаққид мактаби"), Эркин Воҳидов ("Халқ шоири ёхуд дилбар шеърини"), Абдулла Орипов ("Муҳаббат мадҳи"), Омонулла Мадаев ("Булақча инсон эди"), Хуршид Даврон ("Ватанга муҳаббатдан пайдо"), Икром Отамурод ("Достонларда дил дарди") каби дарғалар ижодига оид тадқиқотларидаги холислик, сиқчоқлик ва куюнчоқлик адабиётшунос Абдулла Улуғовнинг илмий-назарий-амалий билмларининг савияси баланглигини билдиради. У, журналистлар ибораси билан айтганда, ҳозиржавоб адабиётшунослардан бири.

Олимнинг "Бахтиннинг бахти ва..." номли адабий-танқидий очеркини бемалол муаммал илмий тадқиқот дейиш мумкин. Достоевскийнинг зиддият тўла дунёсини англашга, унинг мураккаб асарларини, жаҳон адабиётидаги Достоевский ҳодисасини чуқурроқ тушуниб етишга ёрдам беради. Мен Достоевский ижодини яхши кўраман, кўп ўқийман. Лекин А.Улуғовнинг "Бахтиннинг бахти ва..." очеркини ўқигач, буюқ адиб асарларини яна қайта мутолаа қилиш истаги туғилди. Олим Бахтиннинг илмий-ижодий фаолиятини, адабий қарашларини таҳлил қилаётиб, ўзининг адабиётни англаш ва англашиш, ҳис қилиш хусусидаги янги қарашлари билан ўқувчини Достоевскийнинг сир-синоатга тўла оламига қизиқтириб қўяди. Очерк худди бадиий асардек завқ ва ҳаяжон, ҳайрат билан ўқилади. Гўё "адабиёт одами", улкан шахс, бир неча даврларнинг машҳур файласуф-адабиётшуноси Михаил Бахтиннинг фаолияти, машаққатларга тўла ҳаёти, мураккаб шахсияти ҳақида унинг тадқиқотлари таҳлили асосида мулоҳаза юритаётгандай таассурот қолдиради. Аслида Абдуллажон Улуғов сизу биз ҳақиқида, одам ва олам, маърифат ва жаҳолат, йимон ва хиёнат, давр ва жамият хусусидаги ўз ҳақиқатларини айтади, "Михаил Бахтин сингари донишмандларнинг китоблари, биринчидан, мавжуд ҳодисаларнинг янги жиҳатларини кўрсатиб, улар тўғрисидаги тасаввур, тушунчани теранлаштиради. Иккинчидан, билганимиздан кўра, билмаганимизни кўпчилигини, биздан кўра, теран фикрлайдиган кишилар бор-



лигини англади. Бу эса ичимиздаги тақабурликни синдириб, бизни шикастаҳол қилади, ҳавойи даъволарни бошимиздан чиқаради, яхши билан ёмонни фарқлашга, нарсасизлик ҳақида мушоҳада юришиб, моҳиятига етишга ўргатади. Бахтинлар фаолиятининг аҳамияти, уларнинг инсониятга берадиган фойдаси, аввало, шу билан белгиланади", дейди у.

Шуқрки, Абдуллажон Улуғовнинг мустақкам ички таянчи — илми, эътиқоди, илмга муҳаббати ва ихлоси, эзгу ниётларга тўла йимони ва олижаноб қалби, устозларга садоқати, шоғирларга меҳри бор. У 1986 йилдан бери ўзбек филологияси, журналистика факультети талабаларига "Ҳозирги ўзбек адабиёти", "Адабиётшуносликка кириш", "Туркий халқлар адабиёти тарихи", "Адабиёт назарияси муаммолари", "Назарий поэтика" фанлари бўйича маъруза ўқийди, амалий ва семинар машғулоти олиб боради. Туркияда нашр этилган "Турк дунёси адабиёти" кўп жилдли қомусида қатор мақолалари эълон қилинган.

"Ҳозирги ўзбек қиссачилиги", "Қиссачилигимиз қирралари", "Адабиётшуносликка кириш", "Инсон ибратта интилади", "Асл асарлар сеҳри", "Ватан — жон ва тан", "Қалб қандили" китоблари, "Адабиётшунослик назарияси" дарслиги, "Дурдона ёхуд тағмаънога тўла Даҳшат" каби монографиялари унинг илмий-ижодий маҳсулидир.

Илм ва ижод завқи билан яшаб, ҳаётини эзгулик йўлига бағишлаган олим чинакам маънавий юксакликка интилади. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги ҳаёти, мураккаб шахсияти ҳақида унинг тадқиқотлари таҳлили асосида мулоҳаза юритаётгандай таассурот қолдиради. Аслида Абдуллажон Улуғов сизу биз ҳақиқида, одам ва олам, маърифат ва жаҳолат, йимон ва хиёнат, давр ва жамият хусусидаги ўз ҳақиқатларини айтади, "Михаил Бахтин сингари донишмандларнинг китоблари, биринчидан, мавжуд ҳодисаларнинг янги жиҳатларини кўрсатиб, улар тўғрисидаги тасаввур, тушунчани теранлаштиради. Иккинчидан, билганимиздан кўра, билмаганимизни кўпчилигини, биздан кўра, теран фикрлайдиган кишилар бор-

**Хулқар ҲАМРОЕВА,**  
филология фанлари номзоди,  
Ўзбекистон давлат хореография академияси катта ўқитувчиси.

ХАВФ

**Этиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган ёнгинлар нафақат фуқаролар хонадонларига, балки давлат иншоотлари, халқ ҳужалигига ҳам моддий зарар етказмоқда.**

Албатта, тилсиз ёв қуруқ ёғочга ёки хасга тушдими, бир неча дақиқа ичида катта ёнгинни келтириб чиқаради. Халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради. Бунинг устига, ёнгиндан ажралиб чиқадиган тутундаги карбонат ангидрид ва бошқа зарarli ис газлари атмосферага кўтарилиб, нафас олиш, яъни инсон соғлиги учун зарур бўлган тоза ҳаво таркибини бузади.

## Мулкингизни асранг

Гарчи, маъмурий бинолар, sanoat корхоналарида, маҳаллаларда ёнгин келиб чиқиш хавфининг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, бу билан ёнгин камайиб қолмапти. Айниқса, одамларнинг ҳафсаласизлиги сабаб бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари хонадонларнинг ҳамма нуқталарида ҳам ўрнатилмаган. Баъзан розеткага шундоқ симнинг ўзини тикиб қўйиб, хонани иситиш ҳолатларида дуч келинмоқда. Аслида, ҳар бир шахс, аввало, ўз хавфсизлигини ўзи таъминлаши керак.



Хусусан, sanoat корхоналари, бино ва иншоотларига борилганда тез ёнувчан қурилиш материаллари сочилиб ётганига кўзингиз тушади. Айрим ҳолатларда қанча тушунтириш ишлари олиб боришнинг, барибир бажарилмайдими. Ваҳоланки, уларнинг фойдасини кўзлаб маслаҳат берилади. Йўл-йўриқ кўрсатилади.

Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарда ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенроқ қўлланилмоқда. Ёнгин техникаси ҳақидаги низом, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа қўлланилган ишчи ва хизматчиларга ҳам мунтазам равишда тушунтириб боришмоқда.

Ёнгин хавфсизлигининг олдини олишда ишлаб чиқариш жойларида ёнғичи моддаларнинг миқдорини камайтириш ўта муҳим ҳисобланади. Ёнғичи, хоналар атрофида технологик жараёнларда ҳосил бўладиган ёнғичи чиқиндилардан ўз вақтида тозалаш турилиши фойдалан холи бўлмайди.

**Миржаҳон ПҮЛАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президент аппарати ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутхассиси.

ОБУНА — 2021

### Мен нима учун "Hurriyat"ни ўқийман?



**Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,**  
адабиётшунос.

*Матбуот очик минбар. Киши дилидагини изҳор қиладиган даргоҳ. Аммо оғизга келганини айта берадиган жой ҳам эмас. Шунинг учун, матбуотимиз ўта серандиша, деган гапга қўйилмавермайман. Чунки матбуот беандиша бўлган юртларда сўзнинг қадри тушиб, журналистлар айрим тўда манфаати учун оғиз йиртиб айюҳаннос солувчига айланиб қолганини кўряпман. "Hurriyat"нинг валломатлиги шундаки, сўзни очик ва аччиқ айтади, аммо кўпол ва қўсқи тарзга етказмайди, балки ўзбекча қилиб айта олади. Бу унинг фазилати, назаримда.*

*Камина, гарчи журналистликка ўқиган бўлсам-да, 1998 йилгача фақат "илмий ходим" эдим. Журналист сифатида бирон нима ёзишга журъатим етмасди. Етган ҳолда эса, уларни босадиган валломат топилмаган ўшанда. Чунки кўп тахририятларда цензура ходимларидан ҳам "севақроқ" одамлар ўтирар эди. Аммо "Hurriyat" боссан. "Юқори" даргоҳлар таъйиқига ҳам қарамай, ҳар қанча бошқорикчи муҳаррир ўзига олиб чоп этган кўнларни эслайман. Шунинг учун ҳам, нечта мақола битган бўлсам, бари "Hurriyat"нинг шарофати билан дунё юзини кўрди. Аммо, серҳадик муҳаррирлар ишлаган пайтлар бундан мустасно. Аммо хайриятки, газетамиз яна "очила" бошлади. Шундан қувониб, бир нималар ёзиб, унга тутгим келяпти.*

*Меннинг ҳар қандай китоб, газета-журнал, ТВ ва радиодан талабим: у босиб чиқарган, эълон қилган нарсаси ўқувчи (тингловчи) онгини ўстирсин, вақтини беқорга олмасин. Ана шу мезон билан ёндошадиган бўлсак, "Hurriyat" энг яхши матбаа нашрларимиздан бири экани аён бўлади. Ҳар сониди кишининг шуурини чархлайдиган, янада маърифатли қиладиган бир эмас, бир нечта материал босилапти.*

*Ишғирма иккинчи тўлдириб, йилеирма учга қираётган бўз йилгитга тенедош газетамизнинг ҳаммиса мана шундай навқирон, қадами шахдам, сўзлари қарсиллайдиган бўлиб юрсин дегим келади.*

**АЗИЗ ЮРТОДШЛАР, 2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ ВА "МАТЕУТ ТАРҚАТУВЧИ" АК ҲАМДА СОҲАГА ДАХЛДОР КОРХОНАЛАР ОРҚАЛИ ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИНГИЗ МУМКИН. НАШР ИНДЕКСИ: 233.**

ФИКР

**Инсон дунёга келиб, ўзи учун энг қадрли ва унутилмас онларини оуласи, яқинлари даврасида ўтказади. Гўдак илк тетапоя чоғларидан бошлаб, вояга етгунига қадар яқинларининг меҳрини, муҳаббатини она тили орқали англайди. Шунинг учун ҳам Она ва Ватан тушунчалари қанчалар азиз ва қадрли, она тили эса муқаддас ва эъзозга муносиб.**

## ҚОИДАНИ БУЗГАН ЖАЗОГА ЛОЙИҚ

XVI асрда яшаган француз шоири Дю Белленинг: "Она тилимни ҳимоя қилиш ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир", деган экан.

Президентимизнинг энг нуфузли халқро аңжуман — БМТ минбарида ўзбек тилида маъруза қилиши ўзбек тилимизни кўксига авайлаб келаятган халқимизга муносиб туҳфа бўлди. Мухташам минбарда она тилимизнинг жаранглаши ўзбек тилида сўзлашувчи барча қардошларимиз қалбиди афтиҳор ва ғурур ҳиссини янада жонлантирди. Президент мазкур қишқи билан ўзбек тили машаққатли йўлни босиб ўтгани, ривожланиш сари оидимлаётгани, давлат тили ва дипломатик тил даражасига кўтарилганлигини намойён этди.

Бундан ўттиз бир йил муқаддам она тилимиз — ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонуний эътироф қилинган рости. Аммо "Давлат тили тўғри-

сида"ги Қонун ижросини таъминлашга барча бирдек ёндашмапти. Ташқи ёзувлар, реклама баннерларидидаги халотлардан дил хира тортади. Телерадио дастурларидидаги кўрсатувлар, айниқса, шоу-бизнесчи бошловчи ва иштирокчиларнинг сўзлашувидидаги тил қоидаларининг кўпол бузиллишлари одатий ҳолга айланган. Миллий кино ва сериалларимизда ҳам қаҳрамонлар адабий тилда эмас, шевада ёки "кўча тилида" гапиради. Амалда мавжуд бўлган қонун ҳар қандай қинғирликка муносиб баҳо бериши керак.

Элимизнинг ардоқли фарзанди ва сеvimли шоири Эркин Воҳидов: "Ўзбекистон худудида яшаб турган, вази-фасига кўра аҳоли билан муомала қилиши лозим бўлган ҳар бир фуқаро ўзбек тилини биллиши шарт. Шу модда кучга кирган кўни ўзбек тили давлат тили бўлади", деган эди. Туманимиз марказидидаги

ташқи ёзувлар, афиша ва тарғибот воситаларини кузатиш жараёнида эркаклар сартарошхонаси ёнига жойлаштирилган "антиқа" фотосурат билан тайёрланган рекламага кўзим тушди. Суратдаги европача усулда сочи силлиқланган, соқолига антиқа белгилар қўйилган, кўзойнак тақиб, номаълум нуқтага қараб турган таъсир ўзгача услубда пардоз қилингани, бунинг учун сартарош анчагина вақт сарфлаганини англаш қийин эмас. Суратдаги одамнинг қулғонидидаги сирғасини кўриб, тикилиб қарадим, йўқ, аёл эмас экан. Энди ортимга қайрилай десам, бошида сочи йўқ (эркакчасига қалта қилинган), эғнида либоси ярим суратга кўзим тушиб қолди. Эй воҳ, бу аёл киши экан, лекин...

Сартарошхонада ўз юмуши билан банд бўлган устага юзланганим: "Босмаҳонага буюртма берувдими, шунги тайёрлаб беришди-да", деди бе-

парволик билан. Аслида ана шу бепарволик маънавиятимизга катта зарар етказиши мумкинлигини чуқурроқ ўйлаб кўрадиган пайт келди.

Келаси ҳафта кундалик юмушлар билан яна шу сартарошхона ёнидан ўтдим. Ҳайрият, ўзбекча тарбияга ўта зид бўлган реклама сурати олиб ташланибди. Нима бўлганда ҳам, барибир тинчий олмадим, ахир қайси-дир тадбиркор-попиграфчининг интернетдан кўр-кўрона "нусха" олиб тайёрлаган бун-

дай тарғибот воситалари эртага яна бошқа жойга ўрнатилмайди, деб ким кафолат беради?.. Бунинг учун бизда, ҳар биримизда миллий ғурур, маънавиятимиз ва маданиятига ҳурмат, қадриятларимизни эъзозлаш туйғулари кучли бўлиши керак.

РАССОМ ХАНДАСИ



**Хусан СОДИКОВ** чизган қарикатура.